

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 347(575.1)

ЮСУПЖОНОВА МОЎИНАБОНУ МИРСОДИҚ ҚИЗИ

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

5А 240112 шартнома ҳуқуқи мутахассислиги бўйича

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

юримдик фанлар доктори,
проф. в.б. М.Х. Баратов

Т О Ш К Е Н Т – 2016

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	3
I БОБ. ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ.....	10
1.1.Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тушунчаси.....	10
1.2.Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асослари, мазмуни ва классификацияси.....	13
II БОБ. ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ЮРИСДИКЦИЯВИЙ УСУЛИ – ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ АСОСИ СИФАТИДА.....	36
2.1.Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг умумий асослари.....	36
2.2.Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг махсус асослари.....	40
2.3.Ҳакамлик судлари – фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш воситаларидан бири сифатида.....	46
III БОБ. ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ НОЮРИСДИКЦИЯВИЙ УСУЛИ – ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ АСОСИ СИФАТИДА.....	52
3.1.Ўз-ўзини ҳимоя қилиш – фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ноюрисдикциявий асоси сифатида.....	52
3.2.Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асосларида тезкор фуқаролик- ҳуқуқий таъсир чораларининг ўрни ва аҳамияти.....	61
3.3.Низоларни судгача ҳал этиш – фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ноюрисдикциявий асоси сифатида.....	64
ХУЛОСА.....	71
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	74
ИЛОВА.....	80

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришган дастлабки кунларданок, жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ислохотларни ўтказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бунда, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади инсон, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мавжуд қонунчиликни ҳамда бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий механизмини янада такомиллаштириш ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Биз шахс ва оиланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш вазифасини ўзимиз учун мақсад қилиб қўйиш билан бирга, бу масалани том маънодаги демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим шарти сифатида белгилаб олдик”¹.

Конституциямизда белгиланганидек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади (13-модда). Ҳар ким яшаш ҳуқуқи (24-моддаси), ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқи (27-модда), фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, ўзи истаган ахборотни излаш, олиш, тарқатиш ҳуқуқи (29-модда), виждон эркинлиги (31-модда) ҳамда ижод эркинлиги (42-модда) ҳуқуқларига эгалиги², шунингдек, ушбу конституциявий нормадан келиб чиқиб ва уни ривожлантирган (конкретлаштирган) ҳолда ФКнинг 99-моддасига кўра, шахснинг ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, хусусий ва оилавий сири, номга бўлган ҳуқуқи, тасвирга бўлган ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, бошқа шахсий номулкый ҳуқуқлар ҳамда туғилганидан бошлаб ёки қонунга мувофиқ, фуқарога тегишли бўлган шахсий номулкый

¹Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маъруза, 2007 йил 30 август. –Тошкент: Ўзбекистон, 2007. 13-б.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2015.

ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматлар тартиб олинмайди ва ўзга усул билан бошқа шахсга берилмайди. Шахсга тегишли бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматлар нафақат конституциявий ёки фуқаролик-ҳуқуқий нормалар билан, балки бошқа ҳуқуқ соҳалари билан ҳам муҳофаза қилинади (масалан, МЖТКнинг 40-41-моддалари¹, ЖКнинг 139-140-моддалари²).

Ҳозирги ривожланиб бораётган шароитда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда тартибга солишда фуқаролик ҳуқуқидаги фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари муҳим аҳамият касб этиб, уларнинг қонун билан белгиланган механизмини янада такомиллаштириш, фуқаролар ҳуқуқларининг муҳофазасини ҳар томонлама кафолатлашни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Зероки, фуқаролик ҳуқуқлари шахснинг конституциявий ҳуқуқлари туркумига кириб, ушбу ҳуқуқларни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинишида фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари ўрин тутади. Чунончи, “...инсон манфаати ҳар нарсадан улуғ, – деган олижаноб шиорни амалда рўёбга чиқариш учун бор куч ва имкониятларимизни ишга соламиз”³.

Фуқаролик ҳуқуқида фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари ҳақида гап кетар экан, аввало, унинг ўрни ва аҳамияти фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг бузилган қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини қонунда белгиланган усулларда ҳимоя қилинишида айниқса, яққол намоён бўлади.

ФКда фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоялашнинг иқтисодий ва суд амалиётида энг кўп учрайдиган ўн бир усули келтирилган. Аммо ушбу рўйхатни узил-кесил деб атаб бўлмайди. Фуқаролик ҳуқуқини қонунда назарда тутилган бошқа усуллар билан ҳам ҳимоялашга йўл қўйилади. Бир пайтнинг ўзида фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоялашнинг бир неча усулини қўллаш истисно қилинмайди.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Ўзбекистон Республикаси кодекслари: Тўплам/ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. –Тошкент: Адолат, 2015.

² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Ўзбекистон Республикаси кодекслари: Тўплам/ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. –Тошкент: Адолат, 2015.

³ Каримов И.А. Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш – олий саодатдир // Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси IV қурултойидаги маъруза, 2007 йил 6 ноябрь. –Тошкент: Ўзбекистон, 2007. 33-б.

Субъектив ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг турли хил ва кўп қиррали воситалари мавжудлиги зарурияти, ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий факторлари билан белгиланади. Мустақил бозор иқтисодиётини ташкил этишда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар муомаласи ривожланиш суръатларини сақлаб қолиш учун ҳуқуқий асосни талаб этади. Шу сабабли, инсон ва фуқароларнинг ажралмас ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш институти ҳуқуқий мамлакат барпо этишнинг асоси ҳисобланади.

Айни вақтда фуқаролик ҳуқуқида фуқаролик муоамаласи иштирокчилари томонидан уларнинг субъектив ҳуқуқлари бузилган тақдирда, ушбу ҳуқуқларни ҳимоя қилишга оид ҳаракатлар моделини танлаш имконияти мавжуд. Ҳар бир шахс, қонунчиликдаги кўрсатмаларни ҳисобга олган ҳолда, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг энг мақбул усулини танлаши мумкин.

Янада қулайроқ фарқланиши ва амалий қўлланилиши учун фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш маълум бир усулда мавжуд бўлади. Усулнинг мавжуд бўлиши фуқаролар ва ташкилотларнинг субъектив ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий воситаларини қўллаш бўйича турли жараёнларнинг ишлаб чиқилган мажмуалари билан белгиланади. Усул тўғрисида қараш ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун жараёнларни қўллашнинг маълум режасини усулантиришда пайдо бўлади. Фуқаролик муоамаласи иштирокчиларига ўзининг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмаларини мавжудлиги ҳақида билиш муҳим ҳисобланади. Ушбу механизмлар усул тарзида намоён бўлиб, ваколатли шахснинг субъектив ҳуқуқларни ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширадиган ҳаракатларининг бир-бирига альтернатив моделлари сифатида мавжуд бўлади.

Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши. Тадқиқот объекти – фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллариининг фуқаролик ҳуқуқидаги ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонун

хужжатларини такомиллаштириш ва у билан боғлиқ моддий-ҳуқуқий муаммолар ташкил этади.

Тадқиқот предметини фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларини амалга ошириш ҳамда ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги муносабатлар ташкил қилади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Тадқиқот мақсади фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларининг моҳияти ва аҳамиятини очиқ бериш, фуқаролик ҳуқуқида фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларининг тутган ўрнини таҳлил қилиш, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари доирасини аниқлаш, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларини турларга бўлиш ҳамда уларни тавсифлаш, ҳуқуқ субъекти томонидан фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларини амалга оширишга қаратилган амалдаги қонунчилик механизмини янада такомиллаштириш борасида тегишли таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқотнинг мақсадидан қуйидаги масала ва фаразлар келиб чиқади:

- фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институти мавжудлигининг ҳуқуқий табиатини аниқлаш;
- ҳуқуқий ҳимоя соҳасидаги ҳуқуқшуносларнинг илмий ишлари нуқтаи назаридан фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари тушунчасини ишлаб чиқиш;
- фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий усулларини ўзига хос жиҳатларини ўрганиш;
- суд, маъмурий тартибда ва ҳакамлик муҳокамасида амалга ошириладиган юрисдикцион ҳимоя усуллари жараёнларининг ўзига хос жиҳатларини кўриб чиқиш;
- қонун билан ваколатли субъектга тақдим этилган фуқаролик ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларни ҳимоя қилишнинг асосий воситаларини ноюрисдикцион усулда ажратиш.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Таъкидлаш лозимки, миллий цивилистика фанида назарий олимлар томонидан фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмай, балки уларнинг айрим жиҳатларигина у ёки бу даражада ёритиб берилган. Хусусан, Ҳ.Р.Раҳмонкулов, Ф.Х.Сайфуллаев, И.Б.Зокиров, Ш.Ш.Шорахметов, Б.И.Ибратов, Ш.Н.Рузиназаров, О.Оқюлов, Э.Эгамбердиев, К.О.Синдоров, М.Х.Баратов, Н.Ф.Имомов, В.Ё.Эргашев, М.М.Мамасиддиқов, Н.Ашуровалар томонидан фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари умумий асосларда ва фуқаролик ҳуқуқининг муайян мавзусида ёритиб берилган.

Шу билан бирга, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллариининг айрим жиҳатлари А.П.Сергеев, В.Г. Смирнов, Е.А.Крашенинников, Н.Д.Егоров, О.С.Иоффе, В.П.Грибанов, В.Г.Смирнов, М.Я.Крилова, М.П.Ринг, М.Г.Розенберг, О.А.Красавчиков, Ю.К.Толстой, Ю.К.Лебедевлар томонидан у ёки бу даражада тадқиқ этилган.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Тадқиқот ишида диалектик-материализм, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий таҳлил, илмий-назарий адабиётларни тавсифлаш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш услубларидан кенг фойдаланилган.

Илмий-тадқиқот ишининг норматив асосини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, амалдаги Фуқаролик, Оила, Фуқаролик процессуал, Хўжалик-процессуал, Меҳнат кодекслари, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатларига оид, халқаро хусусий ҳуқуқ ва бошқа қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ташкил қилади.

Фуқаролик, фуқаролик процесси, оила, меҳнат, хўжалик, тадбиркорлик, халқаро хусусий ҳуқуқнинг умумий ва махсус муаммолари бўйича илмий иш олиб борган таниқли хорижий ва маҳаллий ҳуқуқшунос олимларнинг асарлари тадқиқот ишининг назарий асосини ташкил қилади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти шу билан белгиланадики, унда билдирилган таклифлар, умумлаштирилган

хулоса ва қоидалардан Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигида фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари тўғрисидаги фуқаролик-ҳуқуқий нормаларни қўллашга оид назарий ва амалий қоидаларни ривожлантиришда ҳамда амалдаги фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларига оид қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда ва амалиётда қўллашда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, фуқаролик ҳуқуқи фани бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва дастурий кўрсатмаларнинг тегишли мавзуларини тайёрлашда, фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг ҳуқуқий муҳофазасини таъминловчи соҳа раҳбарлари ва мутахассислари учун қўлланмалар чиқаришда ҳам бу таклиф ва хулосалардан кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Мазкур тадқиқотнинг илмий янгилиги шундан иборатки, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллариининг ҳуқуқий мазмуни, уларнинг фуқаролик ҳуқуқидаги моҳияти ва аҳамияти ҳамда ушбу усулларни амалга ошириш билан боғлиқ муаммолар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонун ҳужжатлари негизида илк бор комплекс равишда магистрлик диссертацияси даражасида тадқиқ этиб ўрганилди. Айни вақтда ушбу диссертация ишининг янгилигини қуйидагилар билан белгилаш мумкин:

1. Муаллиф амалдаги қонунчиликда фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари тушунчасига берилган мавжуд юридик адабиётлардаги қоидаларни ўрганиб чиқиб, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари тушунчасига ўзининг муаллифлик таърифини илгари суради.

2. Диссертант фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари доирасини кенгайтириш бўйича амалдаги қонунчиликни таҳлил этиб, ушбу усулларнинг қатъий, тўлиқ рўйхатини қонунчиликда белгилаш заруриятини асослантиради ва ФКнинг 11-моддасига қўшимча ва ўзгартиш киритиш тўғрисидаги таклифни илмий асослантиради.

3. Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунда назарда тутилган

бошқа усуллари қиёсий-ҳукукий таҳлил қилинади.

Диссертация таркибининг қисқача тузилиши. Диссертациянинг тузилиши унинг мақсад-вазифаларига мос бўлиб, кириш, саккиз параграфни ўз ичига олган уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

1.1. Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тушунчаси

Фуқаролик ҳуқуқининг ҳимоя каби муҳим аҳамиятга эга бўлган институти ҳақида умумий тасаввурни шакллантириш учун ҳуқуқда ҳимоя қилишнинг мақсадини тушуниб олиш лозим. Замонавий фуқаролик муомаласида субъектларнинг маълум фуқаролик ҳуқуқларини тан олиш, балки уларни мустаҳкам ҳуқуқий муҳофаза қилиш муҳимдир. Шу сабабли, фан субъектлар томонидан фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш вақтида “фуқаролик ҳуқуқларини муҳофаза қилиш” тушунчасини ишлаб чиқди, бу тушунча субъектив ҳуқуқларни амалга ошириш учун зарур шароитларни яратишга қаратилган ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чоралар тизимини ўз ичига олади. Айнан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий чоралари ҳақида сўз юритсак, шунини таъкидлаш мумкинки, улар қаторига фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни нормал ва путур етмаган ҳолда ривожланишини таъминлайдиган барча чоралар тушунилади. Масалан: субъектларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатини белгилаш, мажбуриятларни белгилаш, шунингдек бузилган ёки низоли ҳуқуқ ва манфаатларни тиклаш ва ҳоказо.

Ушбу тушунчанинг илмий адабиётлардаги кенг маъноли “муҳофаза қилиш” тушунчаси билан бирга қонунчиликда унинг тор маъноси ҳам мавжуддир. Тор маънода “муҳофаза қилиш” тушунчаси фуқаролик ҳуқуқларини тиклаш ёки тан олишга ва улар бузилганда ёхуд низоли ҳолатда манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган қонунда белгиланган чораларни ўз ичига қамраб олади. Юқоридаги тушунчаларни адаштириб юбормаслик мақсадида “муҳофаза қилиш” деганда тор маънода фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тушунилади¹.

¹ Кораблева М.С. Защита гражданских прав: новые аспекты // Актуальные проблемы гражданского права: Сборник статей. –М., 1999. –Вып. 1. –С.134

Фуқаролик муоамаласи иштирокчиларининг субъектив ҳуқуқи таркибий бирликни – ҳимояга бўлган ҳуқуқни ўз ичига олади. Ҳимояга бўлган ҳуқуқ ваколатли шахсда бузилган ёки низоли ҳуқуқни тиклаш учун ҳуқуқни муҳофаза этувчи ҳаракатларни амалга оширишнинг давлат томонидан берилган имкониятини назарда тутди. Ушбу имкониятнинг ҳуқуқий квалификацияси адабиётларда кўплаб низоларни келтириб чиқаради. Доктринада мавжуд концепцияни таҳлил этиб, шуни таъкидлаш мумкинки, ҳимояга бўлган ҳуқуқ ҳам субъектив ҳуқуқ элементи ҳам, ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқи ҳам, мажбурият юклатилган шахслардан маълум ҳаракатларни бажаришни талаб этишни ўз ичига олади. Кўплаб олимларнинг фикрига кўра, давлат томонидан мажбурлаш субъектив ҳуқуқни амалга оширишда мавжуд бўлиши мумкин, агар бу бошқа ҳуқуқлар билан биргаликда, ҳуқуқларни бажарилиши кафолати бўлмаган ҳолларда зарур сифатловчи белги ҳисобланади. Барча ҳолатларда, фан ҳимояга бўлган ҳуқуқни субъектив ҳуқуқнинг мажбурий элементи сифатида белгилайди.

Фуқаролик ҳуқуқи назариясида шундай фикрлар мавжудки, унга кўра ҳимояга бўлган ҳуқуқ институти алоҳида бўлиб, мустақил субъектив ҳуқуқ ҳисобланади¹. Бундай фуқаролик ҳуқуқига эга бўлган шахсда реал ҳуқуқий имконият, ушбу шахснинг ҳуқуқлари бузилганда ёки фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида низо мавжуд бўлганда вужудга келиши мумкин.

Субъектив ҳуқуқнинг бир қисми бўлган ҳимояга бўлган ҳуқуқ ўз ичига қуйидагиларни олади:

биринчидан, ваколатли шахс томонидан ўзининг манфаатларини кондиритиш мақсадида ижобий ҳаракатларни амалга ошириш имкониятини;

иккинчидан, мажбурияти бўлган шахсдан маълум бир ҳаракатларни талаб этиш имкониятини.

¹ Сергеев А.П. Гражданское право. Т.1. Учебник / Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. –М., 2002. –С.56

Ҳуқуқларни бузган шахсга нисбатан таъсир чоралари ҳуқуқий муносабатларда ўз ҳаракатларини амалга ошириш ҳуқуқи сифатида қуйидагиларни қамраб олади:

фуқаролик ҳуқуқларини бузганларга нисбатан оператив таъсир чоралари;

ҳуқуқни муҳофаза қилиш чоралари;

зарур ҳолларда зарурий мудофаа.

Мажбурияти бўлган шахсдан маълум бир ҳаракатларни бажаришни талаб этиш ҳуқуқи ўз ичига асосан жабрланувчи ўзининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида мурожаат қиладиган ваколатли давлат органлари томонидан ҳуқуқни бузганларга қўлланиладиган таъсир чораларини англатади.

Фуқаролар (жисмоний шахслар) ва юридик шахслар ўз фуқаролик ҳуқуқларига ўз эрklarига мувофиқ эга бўладилар ва бу ҳуқуқларини ўз манфаатларини кўзлаб амалга оширадилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади¹. Субъектив фуқаролик ҳуқуқи ва қонун билан муҳофаза этиладиган манфаат бир-бирига жуда яқин ва бир хил ҳуқуқий категория ҳисобланиб, адабиётларда унчалик фарқланмайди. Кўп ҳолатларда, исталган субъектив ҳуқуқнинг асосида у ёки бу манфаат ётади, ушбу манфаат субъектив ҳуқуқни қаноатлантириш учун ваколатли шахсга берилади. Бир вақтнинг ўзида, муҳофаза этиладиган субъектив ҳуқуқлар аниқ субъектив ҳуқуқлар билан белгиланади, шу сабабли субъектив ҳуқуқни ҳимоя қилиш қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатни ҳимоя қилишни назарда тутди². Масалан, ижарага олувчининг мулкдан фойдаланишдаги манфаати мулкни

¹Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон.

²Гражданское право. Учебное пособие / Свердлык Г.А. –М., Лекс-Книга, 2002. –С.156.

эгаллаш ва фойдаланиш бўйича субъектив ҳуқуқи усулида намоён бўлади, унинг ҳимояси билан тегишли манфаатнинг ҳимояси амалга оширилади.

Айрим ҳолларда, фуқаролик ҳуқуқлари субъектлари субъектив ҳуқуқлар билан белгиланмайдиган, балки мустақил тарзда қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатлар усулига эга бўлиши ва бузилган ҳолларда ҳимоя қилиниши мумкин. Бундай ҳуқуқий муносабатларнинг мисоли сифатида шаън ва кадр-қимматни ҳимоя қилиш, мажбурий кўчиришда ижарага олувчи оила аъзоларининг уй-жой манфаатларини ҳимоя қилиш, битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабларни келтириш мумкин.

Қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатни (субъектив ҳуқуқни эмас) ҳимоя қилиш ҳуқуқбузарликдан сўнг субъектив ҳуқуқ тугалланадиган ҳолатларда ҳам амалга оширилади. Мисол учун, мулк нобуд қилинганда унга бўлган мулк ҳуқуқи ҳимоя қилинишининг иложи йўқ, чунки мулкнинг ўзи мавжуд эмас. Демак, сўз фақатгина собиқ мулкдорнинг ўзининг қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатини мулккий ҳолатини тиклаш орқали ҳимоя қилиш ҳақида бориши мумкин, бу эса, зарар етказилганлиги оқибатида даъво қўзғатиш ёки бошқа ҳимоя усулини танлаш орқали амалга оширилади. Шундай қилиб, айрим ҳолларда қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаат фуқаролик ҳуқуқида мустақил ҳимоя предмети сифатида намоён бўлади.

1.2. Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асослари, мазмуни ва классификацияси

Субъектив фуқаролик ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларни ҳимоя қилиш ҳимоянинг тегишли усуллари ва воситаларини қўллаш орқали амалга оширилади. Ҳимоя қилишнинг асосий усуллари фарқлашдан олдин, ушбу категорияларнинг тушунчасини шакллантириб олиш лозим. Ҳимоя усули – бу субъектив ҳуқуқлар ва қонун

билан муҳофаза этиладиган манфаатларни ҳимоя қилиш бўйича ички мувофиқлаштирилган чоралар мажмуаси¹.

Фанда ишлаб чиқилган “ҳимоя шакли” тушунчасини қўллаганда шуни назарда тутишимиз лозимки, қонунчиликда бундай тушунча мавжуд эмас, кўп ҳолатларда “тартиб” ёхуд “ҳимоя усуллари” атамалари қўлланилади.

Доктринада “фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя усуллари” тушунчасини аниқлашда масалани ҳал этишнинг турли ёндашувлари мавжуддир.

Қонунчиликда тартиб, шакллар каби атамалар кенг қўлланилишига қарамасдан, барибир кўплаб муаллифлар фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тушунчасини “ҳимоя қилиш усули” иборасини қўшган ҳолда ушбу атамалар билан белгилашни таклиф этадилар. Шуни таъкидлаш лозимки, ҳимоя қилиш усули тушунчасини келтирилган атамалар билан кўриб чиқиш ва субъектив ҳуқуқларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизмини инобатга олмаслик бутунлай тўғри эмас.

Фуқаролик ҳуқуқларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизми тизимли ҳодиса бўлиб, у орқали ички элементларнинг ўзаро ҳамкорлиги амалга ошади, бу эса ўз навбатида ҳуқуқнинг муҳофаза этиш функциясининг вужудга келаётган динамикаси ҳақида таъкидлашга имкон беради. Муҳофазавий-ҳуқуқий категорияларга “ҳимоя қилиш усули”, “ҳимоя қилиш тартиби”, “ҳимоя қилиш шакли” ва “ҳимоя қилиш воситаси” каби тушунчалар киришини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг ўрни, долзарблиги ва зарурияти ҳуқуқнинг муҳофаза этувчи функциясини бажаришда муҳим аҳамият касб этишини айтиб ўтишимиз мумкин.

Субъектив ҳуқуқларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизми – бу субъектив фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишда турли тўсиқларни бартараф этиш, низоларни ҳал этиш, қонун билан муҳофаза этиладиган

¹ Богданова Е.Е. Формы и способы защиты гражданских прав и интересов // Журнал российского права. –М., Норма, 2003. –№6. –С.77.

ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва бузилган ҳуқуқларни тиклаш учун хизмат қиладиган ҳуқуқий воситалар бирлашган йиғиндиси. Ҳимоя қилиш механизмининг тузилишини (асосий элементларини) аниқлашда ҳуқуқий тартибга солиш механизми тузилишини инобатга олиш лозим. В.В.Бутнев таъкидлаганидек, ҳимоя қилиш механизми – ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг бир қисмидир¹.

С.С.Алексеев ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг қуйидаги асосий элементларини ажратади:

- 1) юридик нормалар;
- 2) ҳуқуқий муносабатлар;
- 3) ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш ҳужжатлари².

Худди шу элементлар В.В.Бутневнинг фикрига ҳам кўра, субъектив ҳуқуқларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизмининг тузилишини ташкил этади.

Юқоридаги субъектив ҳуқуқларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизми тузилишини инобатга олиб, тадқиқ этилаётган тушунчаларнинг керакли жиҳатларини ажратиш имкони пайдо бўлади:

- ҳимоя қилиш усули;
- ҳимоя қилиш тартиби;
- ҳимоя қилиш шакли;
- ҳимоя қилиш воситаси.

Фикримизча, авваламбор, тадқиқотимизни ҳимоя қилиш усулидан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Илмий адабиётларда субъектив ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усулларига турли таърифлар берилади. Муаллиф А.П.Сергеев ҳимоя қилиш усули деганда қонунда белгиланган, мажбурий тусга эга бўлган, бузилган (низоли) ҳуқуқларнинг тикланиши (тан

¹ Бутнев В.В. К понятию механизма защиты субъективных прав // Субъективное право: проблемы осуществления и защиты. –Владивосток: 1989. –С.122.

² Алексеев С.С. Право: азбука – теория – философия: Опыт комплексного исследования. –М., 1999. –С.135.

олиниши) ва ҳуқуқбузарга таъсир этиш амалга ошириладиган моддий-ҳуқуқий чораларни тушунади¹.

В.В.Витрянский фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули сифатида ҳуқуқни бузилишини олдини олиш, тўхтатиш, бартараф этиш, ҳуқуқни тиклаш ва (ёки) ҳуқуқни бузилиши билан боғлиқ йўқотишларни қоплаш каби ҳаракатлар амалга оширилиши мумкин бўлган қонунда белгиланган воситаларни назарда тутати².

Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг келтирилган таърифларида уларнинг умумий қонунияти кўзга ташланади, яъни, бундай чораларнинг ҳуқуқий нормаларда тўғридан-тўғри белгиланганлигидир. Муҳими шундаки, ушбу чоралар ҳуқуқ нормаларининг моддий соҳасига тегишлидир. Шу билан бирга, фикримизча “ҳимоя қилиш усуллари” тушунчасига таъриф берганда “восита” ва “чора” каби атамаларни қўллашга тўлиқ қўшилиш мумкин эмас, чунки, бизнинг фикримизча, бу тушунчалар семантик жиҳатдан бир-бирига тўғри келмайди, демак, усул бошқа йўл билан аниқланиши лозим.

С.И.Ожеговнинг луғатида усул бирон бир ишни бажаришда, ниманидир амалга оширишда қўлланиладиган ҳаракат ёки ҳаракатлар тизими, - деб таърифланган³.

Ҳуқуқий соҳада усул моддий-ҳуқуқий категория сифатида ҳам ҳаракат, ҳам ҳаракатсизлик билан белгиланади. Д.И.Мейер таъкидлаб ўтганидек, юридик ҳаракатлар ижобий ва салбий ҳаракатларга бўлинади. Ижобий ҳаракат ниманидир ҳақиқатдан бажаришда ифодаланади; салбий – бошқа бир ҳаракатни бажаришдан ўзини тийишни ўз ичига олган ирода орқали таърифланади⁴.

Масалан, Фуқаролик кодексининг 336-моддасига асосан, агар икки тарафлама шартномада бир тараф ўзи жавобгар бўлган вазият туфайли уни

¹ Сергеев А.П. Гражданское право. Т.1. Учебник / Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. –М., 2002. –С. 231.

² Витрянский В.В. Судебная защита гражданских прав: Автореф. ...дис. докт. юрид. наук. –М., 1996. –С.324.

³ Ожегов С.И. Словарь русского языка/ Под ред. Н.Ю.Шведовой. –М., 1986. –С.562.

⁴ Мейер Д.И. Русское гражданское право (в 2 ч.). По испр. и доп. 8-му изд., 1902. –М., 2002. –С.298.

бажариши мумкин бўлмай қолса, иккинчи тараф, башарти қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартномадан воз кечишга ва шартноманинг бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарни ундириб олишга ҳақли. Ушбу ҳуқуқий нормада ҳаракатсизлик орқали мажбурият бажарилмаган ҳолатда, иккинчи тарафга худди шундай йўл билан – яъни ҳаракатсизлик билан жавоб бериш имконини беради.

Юқоридагиларга асосланиб шунини айтиш мумкинки, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари деганда, ҳуқуқларни бузилишини олдини олиш ва бартараф этиш, уларни тиклашга қаратилган, қонуннинг муҳофаза этувчи нормасида ёки шартномада белгиланган, йўл қўйилган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликларни (уларнинг мажмуи) тушуниш мумкин. Кўриниб турибдики, ҳимоя қилиш усули субъектив ҳуқуқларни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг юридик норма каби элементи билан боғлиқдир.

Субъектив ҳуқуқларни ҳимоя қилиш воситасини, юқорида таъкидланганидек ҳимоя қилиш усуллари билан тенглаштириш керак эмас. Д.М.Чечот субъектив ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг усули, шакли ва воситаси орасида аниқ фарқларни белгилайди. Хусусан, ҳимоянинг суд усули доирасида муаллиф субъектив ҳуқуқнинг ҳимоя қилиш воситаси сифатида асосли тарзда даъвои кўриб чиқади¹. Д.М.Чечотнинг фикрига қўшилиб айтиш мумкинки, ҳимоя қилиш воситаси ҳам ҳимоя қилиш усули ҳам аниқ бир усулни қўллашнинг зарурий белгиси ҳисобланади. Масалан, агар қонун ваколатли шахсга ҳимоя қилиш воситаси – даъвои тақдим этмаганда, ҳимоя қилишнинг юрисдикцион усули (суд тартиби) самарадорлиги ва ушбу усул доирасида ҳуқуқни тан олиш каби ҳимоя қилиш усули ҳақида сўз юритиш имконияти мавжуд бўлмас эди.

Юриспруденцияда “восита” атамаси кенг ва тор маънода кўриб чиқилади. Кенг маънода восита ёки ҳуқуқий восита, айрим олимларнинг фикрича, айрим ҳуқуқий институларни (шартнома, жавобгарлик), шунингдек қонуний кўрсатмаларни амалга оширишнинг соҳавий

¹ Чечот Д.М. Субъективное право и формы его защиты. –Л., 1968. –С.52-60.

услугларини қамраб олади. Тор маънода восита қўлланилиши маълум бир ҳуқуқий натижага етишишга қаратилган услубни англатади.

Фикримизча, субъектив ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тарзида, “восита” тушунчаси тор маънода кўриб чиқилиши лозим. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш воситалари процессуал ёки моддий-ҳуқуқий тарздаги талаблардан ташкил топади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, субъектив фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишни амалга ошириш тартиби, бизнинг фикримизча, ҳуқуқий процедура тушунчасига тўғри келади.

Т.Ю.Баришпольскаянинг процессуал усул тўғрисидаги фикри қизиқиш ўйғотади. Муаллиф уни “юридик процедура” турдош тушунчасининг тури ҳисоблайди. Ҳуқуқий нормаларнинг муҳофаза этувчи ва тартибга солувчи бўлинишини ҳисобга олиб, Т.Ю.Баришпольская юридик процедураларни ҳуқуқий муносабатларнинг характериға кўра тартибга солувчи ва муҳофаза этувчи процедураларға бўлади¹. Бизнинг мавзуимиз доирасида муҳофаза этувчи процедуралар муҳим ўрин эгаллайди.

Т.Ю.Баришпольская фуқаролик муҳофаза этувчи процедураларни қуйидагича аниқлайди: муҳофаза этувчи фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни аниқлаш ва амалга оширишга қаратилган маълум бир кетма-кетликда вужудға келадиган ҳуқуқий муносабатлар тизимидир. Бунда фуқаролик муҳофаза этувчи алоқаларни амалга оширишга қаратилган процедураларнинг аҳамиятини мутлақ деб ҳисоблаш керак эмас. Ҳар қандай фуқаролик муносабати ҳам амалга ошириш усули сифатида процедурани назарда тутмайди. Шубҳасиз, бундай фикрға қўшилиб айтиш мумкинки, ҳар қандай моддий ҳуқуқ нормаси ҳам ўзининг мустақил ҳуқуқий процедурасиға эға эмас. Масалан, шартноманинг бир томони қонун ёки шартномада белгиланган ҳимоя қилиш процедурасиға

¹ Баришпольская Т.Ю. Гражданский процесс и процедура (понятие, служебная роль, проблемы теории и практики): Автореф. ...дисс. канд. юрид. наук. –Томск: 1988. –С.83.

риоя этмасдан, ўз ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиши мумкин (масалан, низони ҳал этишнинг шикоят тартиби) ва юрисдикцион органларга мурожаат этмасдан, ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг усулини қўллаши мумкин, масалан, мулкни ушлаб туриш.

Шундай қилиб, ҳуқуқий процедура мавжуд эмаслигига қарамасдан, ваколатли шахс ўзининг фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ноюрисдикцион усулини қўллашни давом этади. Бундан хулоса шуки, ҳимоя қилиш усули тушунчаси субъектив ҳуқуқни ҳимоя қилиш ҳуқуқий процедураси тушунчасидан кенгрокдир.

Айрим цивилистлар ҳимоя қилиш усулини “у ёки бу юрисдикцион орган томонидан табиатига кўра ҳуқуқ ва мнфаатларни ҳимоя қилишнинг маълум тартиби” сифатида таърифлайдилар¹.

В.В.Бутнев ҳимоя қилиш усулини бир ҳуқуқий режим доирасида амалга ошириладиган субъектив ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўйича мувофиқлаштирувчи ташкилий тадбирлар мажмуаси сифатида таърифлайди².

Фикримизча, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулини ҳуқуқ нормасида ёки шартномада асосланган, ҳуқуқий процедура доирасида кечадиган ёки кечмайдиган, махсус юрисдикцион орган ёхуд ҳуқуқ эгаси томонидан амалга ошириладиган, ҳуқуқларни бузилишини олдини олиш, бартараф этиш ва тиклашга қаратилган таъсир этиш чораси сифатида аниқлаш мумкин.

Кўплаб цивилист олимлар фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули ва шаклини қўшиб юборишади. Энг аниқ ҳолатда бу қўшилиш “фуқаролик ҳуқуқларини шахснинг ўзи ҳимоя қилиши” тушунчасида белгиланади (ФК, 13-м.).

¹ Воложанин В.П. Несудебные формы разрешения гражданско-правовых споров. Свердловск, 1974. С.6; Вершинин А.П. Способы защиты гражданских прав в суде: Дис. на соиск. уч. ст. докт. юрид. наук. –СПб., 1998. –С.12-14; Шакарян М.С. Соотношение судебной формы с иными формами защиты субъективных прав граждан // Актуальные проблемы защиты субъективных прав граждан и организаций. –М., 1985. –С.7.

² Бутнев В.В. К понятию механизма защиты субъективных прав // Субъективное право: проблемы осуществления и защиты. –Владивосток: 1989.

Бир вақтнинг ўзида, айрим олимлар, масалан, В.В.Витрянский ҳуқуқларни шахснинг ўзи ҳимоя қилишини усулларга киритади. Аммо кўплаб олимлар ҳуқуқларни шахснинг ўзи ҳимоя қилишини айнан ҳимоя қилиш усули сифатида белгилайди¹.

Ушбу ишда ҳуқуқларни шахснинг ўзи ҳимоя қилиши фуқаролик ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларнинг ноюрисдикцион усули сифатида кўриб чиқилади. Бизнинг фикримизча, атаманинг ўзидан келиб чиқиш керак, чунки ҳуқуқларни шахснинг ўзи ҳимоя қилиши фуқароларнинг актив ҳаракатини назарда тутди. Шундай ҳолатлар мавжудки, бир шахснинг ҳуқуқи бошқа бир давлат ваколатига эга бўлмаган шахс томонидан амалга оширилиши мумкин. Ушбу чегирмалар доирасида ҳаракатлар ҳуқуқни бузишга мутаносиб бўлиши ҳамда ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш учун зарур ҳаракатлар доирасидан чиқиб кетмаслиги керак.

Илмий адабиётларда ва олимлар тадқиқотларида “усул” тушунчаси ва “ҳимояни амалга оширишнинг маълум тартиби” бир маънога эгадир, лекин бу фикрга қўшилиш қийин. Г.А.Свердлык ва Э.Л.Страунингларнинг асосли фикрларига кўра, ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг усули ҳуқуқни амалга оширадиган субъектга кўрсатади, ваҳоланки, уни амалга ошириш тартиби ҳуқуқни у ёки бу усулда амалга ошириш ҳуқуқини белгилайди².

Демак, ҳимоя қилиш тартиби деганда қонун ёки шартнома билан белгиланган, фуқаролик ҳуқуқи субъектининг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва манфаатларини қондиришга қаратилган, турли ҳимоя қилиш усулида амалга ошириладиган процедуралар тушунилади. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ички усулининг таркибий элементи мавжуд - ҳуқуқий процедура; ушбу тушунча субъектнинг суд тартибида, маъмурий тартибда ва ҳуқуқларни шахснинг ўзи ҳимоя қилиши тартибида амалга оширадиган

¹ Витрянский В.В. Судебная защита гражданских прав: Автореф. дис. на соиск. уч. ст. докт. юрид. наук. –М., 1996. –С.59.

² Свердлык Г.А., Страунинг Э.Л. Защита и самозащита гражданских прав: Учеб. пособие. –М., 2002. –С.123.

ҳаракатларни ўз ичига олади. Шу сабабдан, ҳуқуқий процедураларнинг энг муҳим таснифларини кўриб чиқиш лозим.

“Усул” атамасининг луғавий маъносини ҳисобга олмаган ҳолда, уни “тартиб” деб таърифлаб, ўз илмий ишида В.П.Грибанов фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларнинг таснифини қуйидагича келтиради:

суд тартибида, арбитражда, ҳакамлик судида, маъмурий тартибда, жамоат тартибида ва ўзини ҳимоя қилиш тартибида. Жамоат тартиби субъектларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилиб, бир неча турга бўлинади: касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотлари¹.

Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишни уч тартибга бўлиш О.С.Иоффенинг ишларида илгари сурилган. Булар:

умумий;

махсус;

алоҳида тартиб.

Умумий тартиб суд тизими орқали ҳимоя қилишни назарда тутди. Шундай қилиб, суд тартиби муаллиф фикрича қонун билан белгиланган чегирмалардан ташқари барча ҳолатларда қўлланилади. Худди шу умумий тартибга О.С.Иоффе арбитражни ҳам киритади.

Махсус тартибнинг умумий тартибдан фарқи, муаллифнинг фикрича, ҳимоя амалга ошириладиган шарт билан белгиланади, агар бу шарт қонунда тўғридан тўғри кўрсатилган бўлса. Ушбу тартиб бошқарувнинг маъмурий аппарати, ҳакамлик судлари ва касаба уюшмалари томонидан амалга оширилади.

Алоҳида тартиб ҳам жуда муҳим аҳамият касб этади. Бунда манфаатдор шахс ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун мустақил ҳаракатларни амалга оширади. Ушбу тартибнинг ўзига хос жиҳати шундаки, ҳуқуқи бузилган ёки низоли бўлган шахс ўз ҳуқуқларини суд, маъмурий тартибда ва ҳакамлик судида ҳимоя қила олмайди. Бундай

¹ Грибанов В.П. Советское гражданское право: Учебник. Т.1. –М., 1979. –С.236-242.

ҳаракатлар муаллифнинг фикрича ҳуқуқни шахснинг ўзи ҳимоя қилишида кўриниши мумкин¹.

Шуни айтиш мумкинки, ушбу тартиблар таснифи 1960 йилларда ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирги давр учун тўла мос ҳисобланмайди. Лекин ушбу таснифларни тадқиқ қилиш илмий ишимиз учун муҳим аҳамият касб этади.

И.Зокировнинг фикрича, бузилган ҳуқуқни тиклаш фуқаролик ҳуқуқидаги тенгликни таъминлаш билан бирга, фуқаролик ҳуқуқлари ҳимояланганлигининг ҳам белгиси ҳисобланади².

Фуқаролик кодексининг 11-моддаси бузилган ҳуқуқларни тиклашга қаратилган бир қатор усулларни назарда тутди. Масалан, ҳуқуқни тан олиш, ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш, бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш, зарарни тўлаш, маънавий зиённи қоплаш ва бошқалар.

Бу усуллар фуқаролик ҳуқуқини ҳимоя қилиш усуллари ҳисобланади ва айти пайтда бузилган ҳуқуқни тиклашга қаратиладиган қонуний чоралар сифатида ҳам кўрилади. Шунингдек, мазкур усуллар қонунда кўрсатилган тартибда татбиқ этилади ва уларнинг амал қилишида тарафларнинг розилиги талаб қилинмайди³. Бироқ, баъзи усуллар мавжудки, бузилган фуқаролик ҳуқуқини тиклаш мақсадида уларни қўллаш учун тарафларнинг розилиги лозим бўлади. Бундай усуллар жумласига, гаров, неустойка, кафиллик, закат ва бошқалар киради. Бузилган фуқаролик ҳуқуқлари тикланишида қўлланиладиган бу усулларда тарафлар ўз ҳуқуқлари бузилганда олишлари мумкин бўлган мол-мулк ва пул суммаси аниқ белгилаб қўйилади.

¹ Иоффе О.С. Советское гражданское право: Учебник. –М., 1967. –С.56.

² И.Б.Зокиров. Фуқаролик ҳуқуқи (дарслик I қисм). –Тошкент: ТДЮИ, 2009. 27-б.

³ Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации. ч.1.(постатейный). Из-е 2. /Отв. ред. О.Н.Садиков.- М.: Контракт, Инфра., 2003. 4-с .

Айрим муаллифлар фуқаролик ҳуқуқининг юқорида таъкидлаб ўтилган усулларида ҳам бошқа усуллари мавжудлигини таъкидлайдилар. Масалан, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг шартномавий усули¹.

Умуман олганда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг кенгайиши, уни ҳуқуқий тартибга солишнинг ҳам тараққий этишига олиб келади. Натижада янгидан-янги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш услублари вужудга келиши мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг икки асосий усули мавжуд – юрисдикциявий ва ноюрисдикциявий.

Ҳимоя қилишнинг юрисдикциявий усули – бу бузилган ёки низоли субъектив ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўйича ваколатли давлат органлари фаолияти. Унинг маъноси шуки, ҳуқуқи бузилган ёки низоли бўлган шахс ҳимоя сўраб, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки назорат органига мурожаат қилади. Одатда, умумий юрисдикция судига, хўжалик судига, юқори турувчи инстанцияга, улар эса, бузилган ҳуқуқларни тиклаш ва ҳуқуқбузарликни олдини олишга керакли чораларни кўришади.

Ҳимоя қилишнинг юрисдикциявий усули ўз ичига умумий ва махсус ҳимоя қилиш тартибини қамраб олади. Умумий тартиб – фуқаролик ҳуқуқларини фуқаролик суди тартибида ҳимоя қилишни назарда тутди. Маълумки, фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликлари ва манфаатларини, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этишдан иборатдир. Фуқаролик суди тартиби билан хўжалик суди тартиби мавжуд бўлиб, улар тадбиркорлик фаолияти доирасида низоларни ҳал этади.

¹ Раҳмонкулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг предмети, методи ва тамойиллари. –Тошкент: ТДЮИ. 2003. 32-б.

Фуқаролик ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларни ҳимоя қилиш воситаси, умумий қоида бўйича, даъво аризаси ҳисобланади. Даъво, бир тарафдан суддан одил судловни амалга оширишни талаб этса, бошқа тарафдан, жавобгарга нисбатан моддий-ҳуқуқий талабни акс эттириб, маълум бир мажбуриятни бажаришни ёки ҳуқуқий муносабатни бор ёхуд йўқлигини тан олишни назарда тутди. Айрим ҳолларда, хусусан, алоҳида тартибдаги ишларда ариза ёки шикоят одил судловнинг воситаси ҳисобланади. Суд ва бошқача қилиб айтганда даъво тартиби қонунда кўрсатилган барча ҳолатларда қўлланилади.

Э.Эгамбердиевнинг фикрича, ҳуқуқни даъво асосида ҳимоя қилишнинг асосий белгилари ва хусусиятлари қуйидагилар:

- а) фуқаролик ишларини кўриб ҳал қилиш тартибини қонун билан белгилаб қўйилганлиги;
- б) тарафларнинг иш бўйича ишда иштирок этувчи шахс эканлиги ва уларнинг тенг ҳуқуқлиги;
- в) тарафларнинг суд ишларини шахсан ўзлари ёки вакиллар орқали юритиш ваколатига эга эканлиги;
- г) тарафларни низо предметини тасарруф қилиш ҳуқуқига эга эканлиги;
- д) жавобгар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи ва уни кафолатланганлиги;
- е) ишда иштирок этувчи шахсларни кенг кўламдаги процессуал ҳуқуқлар билан таъминланганлиги;
- ё) даъвогарни жавобгарга нисбатан билдирган моддий-ҳуқуқий талабларини ариза ёки шикоятда эмас, даъво аризасида ўз ифодасини топишлиги¹.

Махсус тартиб – фуқаролик ҳуқуқларини, эркинликлари ва қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини маъмурий таъсир чораларни

¹ Э.Эгамбердиев. Фуқаролик жараёни ҳуқуқида даъво муаммолари. Юрид.фан.докт.дисс...автореф. – Тошкент, 2007. 15-б.

қўллаш орқали муҳофаза этишни назарда тутати. Ушбу алоҳида тартибни қўллаш қонунда аниқ кўрсатилган ҳолларда амалга оширилади. Ушбу тартибни қўллашни аниқ бир мисолда кўриш мумкин – уй-жой ҳудудини ўзбошимчалик билан эгаллаган шахсларнинг ҳаракатидан фуқаро ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилишни назарда тутати (Уй-жой кодекси). Бундай ҳолатда, шикоят фуқаролик ҳуқуқини ҳимоя қилиш воситаси ҳисобланади.

Юридик ишларни тааллуқлиги институтида аралаш тартиб мавжуд бўлиб, унда бузилган фуқаролик ҳуқуқларини маъмурий-суд тартибида ҳимоя қилишни назарда тутати. Бундай юридик таркибда жабрланувчи биринчи бўлиб ваколатли давлат органларига мурожаат қилиши, бу инстанцияни ўтгандан кейин эса, судга даъво билан мурожаат қилиши мумкин. Бундай тарздаги жараёнлар патентга бўлган низоларда, бошқарув фаолиятидаги низоларда вужудга келади.

Фуқаролик ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилишнинг ноюрисдикцион шакли давлат ва бошқа ваколатли органга мурожаат этмасдан ҳуқуқи бузилган шахснинг ўзи мустақил, ўз хоҳиши билан ҳаракат қилиши тушунилади.

Бироқ бунда ҳимоя маълум шартлар асосида амалга оширилмоғи лозим. Улар ФКнинг 13-моддасида назарда тutilган. Унга асосан шахснинг ўзи томонидан фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари ҳуқуқни бузиш даражаси билан барабар бўлиши ҳамда ҳуқуқни бузишга йўл қўйиш учун зарур ҳаракатлар доирасидан чиқиб кетмаслиги лозим. Масалан, истеъмолчи ўзига сотилган нуқсонли товарни ушлаб қолиб, етказилган зарар ва неустойка тўланмагунча қайтариб бермасликка ҳақли бўлади¹.

Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари деганда қонун томонидан мустаҳкамланган мажбурий тусдаги моддий-ҳуқуқий чоралар

¹ Бобоев Ж.И. Право потребителей и их защита по законодательству Республики Узбекистан // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 2003. –№3. –Б.20-29.

тушунилади. Ушбу чоралар ёрдамида бузилган (низолашаётган) ҳуқуқларни тиклаш ва ҳуқуқбузарга муайян таъсир ўтказиш амалга оширилади. Уларнинг умумий рўйхати ФКнинг 11-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Улар қуйидагилардан иборат:

1) ҳуқуқни тан олиш (масалан, асарнинг, биров томонидан ўзлаштирилиб нашр этилгани тўғрисида низо бўлгани ҳолда, шу асарга нисбатан муаллифликни тан олиш);

2) ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш (масалан, мулк эгаси ўзининг мулкидан фойдаланиш ҳуқуқининг ҳар қандай равишда бузилишини бартараф этиш ва келгусида мулкдан фойдаланишда ҳалақит бермаслик мажбуриятини бузувчи шахсга юклаш);

3) битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш (ФКнинг 116-125-моддалари талабларига асосан битим қонун талаб қиладиган шаклга риоя этмасдан тузилса, қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлмаса, муомалага лаёқатсиз деб топилган ва муомала лаёқати чекланган фуқаро томонидан тузилганда, ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқаро томонидан тузилганда, янглишиш таъсирида тузилганда, алдаш, зўрлик, қўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши ёки оғир ҳолатлар юз бериши таъсирида, қалбаки ва кўзбўямачилик учун тузилганда шунингдек, юридик шахс ҳуқуқий лаёқатидан ташқарида тузилса ҳақиқий эмас деб топилади. Ҳақиқий бўлмаган битим унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ бўлган оқибатлардан ташқари бошқа юридик оқибатларга олиб келмайди ва у тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий эмасдир. Битим ҳақиқий бўлмаганида тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши, олинган нарсани аслича (шу жумладан олинган нарса мол-мулкдан фойдаланиш, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат билан

ифодаланганда) қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса, агар битим ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилган бўлмаса, унинг қийматини пул билан тўлаши шарт);

4) давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш (Бу ҳимоя усули фуқаролик қонунчилигида янги киритилган усуллардан бири бўлиб ҳисобланади. Фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган, фуқаронинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқаришига монелик туғдирадиган ҳамда фуқаро зиммасига қонунга ҳилоф равишда қандайдир мажбурият юклатилишига сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар вужудга келтирувчи турли ҳужжатлари (қарорлари) шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқини вужудга келтиради. Бундай ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топиш суд тартибида амалга оширилади. Ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги суднинг қонуний кучга кирган қарори барча давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурий бўлиб, уни бажариш шарт ҳисобланади. Лекин Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августда қабул қилинган “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги қонуни¹да фуқаро ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан шикоят билан бевосита судга ёки тобелик тартибида юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги кафолатланган);

5) шахснинг ўз ҳуқуқларини ўзи ҳимоя қилиши (мазкур усул ноюрисдикциявий усул ҳисобланиб, ўз ҳуқуқини ҳимоя қилаётган шахсдан ҳимоявий чора-тадбирларни қонун талабларига мувофиқ амалга оширишни талаб этади. Бу ҳолатда охириги зарурат ва зарурий мудофаа чегараларидан четга чиқмаслик, учинчи шахсларнинг ҳуқуқ ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 9-сон, 183-модда.

манфаатларига путур етказмаслик шарт, яъни ФКнинг 13-моддаси талабларига мувофиқ, фуқаролик ҳуқуқларини шахснинг ўзи ҳимоя қилиш усуллари ҳуқуқни бузишга мутаносиб бўлиши ҳамда ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш учун зарур ҳаракатлар доирасидан чиқиб кетмаслиги керак);

6) бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш (масалан, сотилган ашё сотувчи томонидан ихтиёрий равишда топширилмаганида унинг олувчисига мажбурий тарзда олиб бериш);

7) зарарни тўлаш (шахс ҳуқуқи бузилганлиги туфайли кўрган зарарини тўла қопланишини талаб қилиши қонун билан кафолатланади. Зарарларни қоплаш бузилган ҳуқуқ ва манфаатларни уни бузишда айбдор бўлган шахс ҳисобига тиклашдир. Мажбурият бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда кредиторга етказилган зарарни тўлаш мажбурий ҳисобланади);

8) неустойка ундириш (неустойка (жарима ва пеня) мажбуриятларни ўз вақтида, лозим даражада бажарилишини таъминлайдиган муҳим усуллардан биридир. У қонунда ёки шартномада олдиндан белгиланган тарафларга маълум бўлган ва мажбуриятлар бажарилмай қолганда тўланиши лозим бўлган ҳуқуқий чора сифатида намоён бўлади);

9) маънавий зиённи қоплаш (ҳуқуқбузарлик ҳаракати (ҳаракатсизлик) оқибатида жабрланувчининг бошидан кечирган (ўтказган) маънавий ва жисмоний (камситиш, жисмоний оғриқ, зарар кўриш, ноқулайлик ва бошқа) азоблар маънавий зиён ҳисобланиб, бу азобларнинг хусусияти зиён етказилган ҳақиқий ҳолатлар ва жабрланувчининг шахсий хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан баҳоланади ҳамда пул билан қопланади);

10) ҳуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириш;

11) давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзиниўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжатини суднинг қўлламаслиги;

12) қонунда назарда тутилган бошқача усуллар.

Шахс ўз бузилган ҳуқуқи ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ваколатли органга мурожаат қилганда юқоридаги усуллардан бири ёки бир нечасини қўллашни сўраб мурожаат этади.

Умуман олганда, ҳимоя қилишнинг ноюрисдикцион усули деганда, махсус ваколатли давлат органлари иштирокисиз мустақил амалга ошириладиган, фуқаролик ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган фуқаролар ва ташкилотларнинг қонунга зид бўлмаган ҳаракатлари тушунилади.

Фуқаролик кодекси ушбу усулни қабул қилиб, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг бир усули сифатида кўриб чиқади (ФК, 13-модда). Шу билан бирга, усул ва шакл сўзини бир хил тушунчалар деб айтиб бўлмайди¹.

Фуқаролик ҳуқуқларини шахснинг ўзи ҳимоя қилиши назарий жиҳатдан – бу ҳимоя қилишнинг усули бўлиб, ваколатли жабрланувчи шахс ҳуқуқбузарга қонуний таъсир чораларини кўришга ҳақлидир, бунда суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларининг ёрдами қабул қилинмайди. Ушбу усул доирасида бузилган ёки низоли ҳуқуқ эгаси ўзини ҳимоя қилишнинг турли усулларини қўллаши мумкин, бу усуллар ҳуқуқбузарликка мутаносиб бўлиши ва қонуний ҳаракатлар доирасидан четга чиқмаслиги керак (ФК 13-м.). Бундай ҳолатлар қаторига қуйидагилар киради: зарурий мудофаа ҳолатидаги ҳаракатлар, охириги зарурат, оператив санкцияларни қўллаш, масалан, иккинчи тараф мажбуриятни бажармаганда маълум ҳаракатларни амалга оширишдан воз кечиш (пул тўлашдан, мулкни беришдан воз кечиш), қарздор бажармаган мажбуриятни бошқа қарздорга юклаш ва бошқа ҳаракатлар.

Фуқаролик ҳуқуқлари қонунда назарда тутилган бошқача усуллар билан ҳам ҳимоя қилиниши мумкин.

¹ Арефьев Г.П. Понятие защиты субъективного права // Процессуальные средства реализации конституционного права на судебную защиту. –Калининград: 1982. –С.15-18.

Фуқаролик ҳуқуқида фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асосий усулларининг императив илмий классификацияси мавжуд эмас, шу сабабдан юрисдикцион ва ноюрисдикцион усуллар доктринада фарқланмайди. Машҳур тадқиқотчиларнинг асарларида, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари таснифларига индивидуал ёндашув мавжуд.

Фуқаролик ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларни ҳимоя қилиш усулининг таснифланиши Г.П.Арефьевнинг фикрича қуйидагиларда кўринади:

Ўзини ҳимоя қилиш, жамоат, давлат, ҳакамлик ва аралаш усуллар¹.

Уларни ҳимоя қилишга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга субъектлар орқали кўриш мумкин. Субъектив ҳуқуқларнинг ҳимоя қилишнинг давлат усулига муаллиф суд, маъмурий ва арбиртаж тартибини киритади. Ҳимоя қилишнинг махсус тартибига касаба уюшмалари, жамият ва ташкилотнинг фуқаролик ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларни ҳимоя қилишга ҳаракатлар киради².

В.П.Воложанин ўзининг илмий асарида фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мустақил усулини белгилаб, унинг таркибий қисмлари сифатида низоли ва низосиз тартибда, шунингдек жамоавий тартибда ҳимоя қилиш усуллари назарда тутилади.

С.В.Курылев субъектив ҳуқуқ ва қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларни ҳимоя қилиш усулини тадқиқ қилиш вақтида эътиборни юрисдикцион органнинг бошқа тарафлар билан алоқасига қаратамиз:

1) низоли ҳуқуқий муносабатнинг бир тарафининг юрисдикцион ҳужжати орқали низони ҳал этиш;

¹ Арефьев Г.П. Понятие защиты субъективного права// Процессуальные средства реализации конституционного права на судебную защиту. –Калининград: 1982. –С.56.

² Воложанин В.П. Основные проблемы защиты гражданских прав в несудебном порядке: Автореф. дис. на соиск. уч. ст. докт. юрид. наук. –Свердловск: 1975. –С.13-15.

2) низоли ҳуқуқий муносабат иштирокчиси бўлмаган, лекин улар билан ҳуқуқий ва ташкилий муносабатлар боғлиқ органнинг ҳужжати билан низони ҳал этиш;

3) низоли ҳуқуқий муносабат иштирокчиси бўлмаган, лекин улар билан ҳуқуқий ва ташкилий муносабатлар (процессуал муносабатлардан ташқари) боғлиқ бўлмаган органнинг ҳужжати билан низони ҳал этиш¹.

Д.М.Чечот юрисдикцион органнинг ҳуқуқий табиатига асосланиб, фуқаролик ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларни ҳимоя қилишнинг бир неча усулини келтиради: суд, маъмурий, арбитраж, нотариал ва жамоавий².

Шунингдек, фуқаролик ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларни ҳимоя қилиш усулларини тегишли орган мақсад ва вазифаларини таснифлаш мақсадини кўзлаб, Ю.К.Осипов шундай усулларни ажратади: давлат, ҳакамлик, жамоат ва аралаш усуллар. Муаллифнинг таснифлашини ўзига хослиги шундаки, давлат усулига у суд, арбитраж ва маъмурий усулни киритади. Жамоавий усул низони касаба уюшмаси, ташкилот ва корхонада ҳал этишни назарда тутди. Аралаш усул паритет (томонлар тенглиги) ва ҳамкорликдаги усулга бўлинади; паритет шунда ифодаланадики, ҳуқуқ тўғрисидаги низо манфаатдор тарафларнинг тенг миқдордаги вакиллари иштирокидаги орган томонидан ҳал этилади, ҳамкорликдаги бир неча мустақил орган низони ҳал этади. Ҳакамлик усули субъектив жиҳатдан икки турга бўлинади: фуқаролар ёки ташкилотлар орасидаги келишувлар орқали³. И.Зокировнинг фикрича, баъзи усуллар мавжудки, бузилган фуқаролик ҳуқуқини тиклаш мақсадида уларни қўллаш учун тарафларнинг розилиги лозим бўлади. Бундай усуллар жумласига, гаров, неустойка, кафиллик, закат ва бошқалар киради. Бузилган фуқаролик ҳуқуқлари тикланишида

¹ Курылев С.В. Формы защиты и принудительного осуществления субъективных прав и право на иск // Труды Иркутского государственного университета. Сер. Юрид. Т. XXII. Вып. 3. –Иркутск: 1957. –С.120.

² Чечот Д.М. Субъективное право и формы его защиты. –Л., 1968 –С.62.

³ Осипов Ю.К. Подведомственность юридических дел. –Свердловск: 1973. –С.82-89.

қўлланиладиган бу усулларда тарафлар ўз ҳуқуқлари бузилганда олишлари мумкин бўлган мол-мулк ва пул суммаси аниқ белгилаб қўйилади¹.

Айрим муаллифлар фуқаролик ҳуқуқининг юқорида таъкидлаб ўтилган усулларида ҳам бошқа усуллари мавжудлигини таъкидлайдилар. Масалан, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг шартномавий усули².

Ўзининг илмий асарида В.С.Белых фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларини субъектга, ваколатли ҳуқуқни қўллаш органларига нисбатан уларнинг муҳофаза этувчи фаолият асосида солиштиради. Шу билан бирга, муаллиф усулни аниқ юрисдикцион органларнинг тизимига асосан ажратади. Биринчи усул – бу махсус юрисдикция органи томонидан процессуал судлов орқали фуқаролик ҳуқуқини амалга ошириладиган ҳимоя: умумий юрисдикция судлари, конституциявий суд, арбитраж суди, ҳакамлик судлари. Иккинчи усул – ҳокимиятни ижро тизимига кирувчи умумий, соҳавий ва соҳалараро ваколатли органлари томонидан амалга оширилади: вазирликлар, муассасалар, қўмиталар, хизматлар, агентликлар, департаментлар. Учинчи усул – аниқ бир органлар ва муассасалар билан боғлиқ эмас, хўжалик низосини ҳал этиш учун шикоят тартибида субъект томонидан ҳимоя қилиш тартиби, кредиторларнинг талаби бўйича низосиз қарзни ундириш, охириги зарурат ҳолатида шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш³.

О.А.Красавчиков ҳимоя қилиш усулларини қўриқланаётган фуқаролик ҳуқуқи объекти ва тусига қараб таснифлайди, бунда қуйидагилар мавжуд:

ҳуқуқни тан олиш;

ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш;

¹ И.Б.Зокиров. Фуқаролик ҳуқуқи (дарслик I қисм). –Тошкент: ТДЮИ, 2009. 27-б.

² Раҳмонкулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг предмети, методи ва тамойиллари. – Тошкент: ТДЮИ. 2003. 32-б.

³ Шакарян М.С. Соотношение судебной формы с иными формами защиты субъективных прав граждан// Актуальные проблемы защиты субъективных прав граждан и организаций: Сб. науч. трудов. –М., 1985. –С.128.

битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш;

давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш;

шахснинг ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиши;

бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш;

зарарни тўлаш;

неустойка ундириш;

маънавий зиённи қоплаш;

ҳуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириш;

давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжатини суднинг қўлламаслиги.

Аммо бу юқорида кўрсатилган усуллар Фуқаролик кодексида белгиланган (ФК 11-м.). Бизнинг фикримизча, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш шакллари қонунчилигимизда фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари орқали ифодаланади.

Илмий асарларда шундай фикр мавжудки, фуқаролик ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг даъво ва даъвога боғлиқ бўлмаган усуллари ажратилган, улар эса ҳимоянинг процессуал воситалари орқали амалга оширилади. Даъвога боғлиқ бўлмаган усул – ҳуқуқлари бузилган шахснинг маъмурий тартибда шикоят бериш орқали амалга оширилади. Бизнинг фикримизча, ушбу ёндашув ҳимоя қилишнинг процессуал воситалар тўғрисидаги тасаввурга боғлиқ (даъво, шикоят), бунда шахсда ваколатли давлат органлари иштирокисиз мустақил ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқи кўрсатилмайди.

Рим юристлари тажрибасини қўллаб, В.А.Краснокутский фуқаролик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг икки усулини ажратади, бунда ҳуқуқ эгасининг ҳуқуқи ва жамият ҳамда давлат ривожланиши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳисобга олинади. Биринчи усул – ўзбошимчалик, яъни ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларни ўзбошимчалик билан амалга

ошириш фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказиш. Иккинчи усул – фуқаролик ҳуқуқларини давлат томонидан ҳимоя қилиш. Шунини таъкидлаш лозимки, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ўзбошимчалик сифатида баҳоланиши мумкин, агар маълум вазият рим хусусий ҳуқуқида белгиланган бўлсада, шахс давлат томонидан ҳимоя қилиш тартибидан фойдаланмаса. Аммо бундай чегирма рим хусусий ҳуқуқида мавжуд “қонуний ҳуқуқ эгасига ўз эгалигини ҳимоя қилиш учун эҳтиёткорона ҳимоя қилиш доирасида куч ишлатиши мумкин” деган қоидадан фойдаланиш имкони бўлмаган тақдирда. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, рим хусусий ҳуқуқида фуқаролик ҳуқуқини ҳимоя қилиш элементлари мавжуд бўлган, демак ҳимоя қилишнинг нодавлат усулига эркинлик ва қонуний тартибни бузадиган ҳаракатларни киритишга асос йўқ.

Энг кўп тарқалган таснифлаш қаторига субъект ва унинг ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқини амалга ошириш бўйича ҳимоя усулларини таснифлаш киради. Бу усулларни қуйидагича амалга ошириш мумкин: суд усули, унга умумий юрисдикция суди, арбитраж суди, ҳакамлик суди (ёки суд тартиби) киради ва махсус усул, маъмурий органлар томонидан амалга оширилади (ёки маъмурий тартиб). Бу фикрни Н.И.Клейн, М.И.Брагинский ва бошқалар маъқуллаганлар. Лекин у ҳам ҳуқуқларни шахснинг ўзи ҳимоя қилиниши акс эттирмайди.

Фикримизча, энг мақбул фикр сифатида Ю.К.Толстой томонидан айтилган фикр муҳим аҳамият касб этади, чунки ҳимояга бўлган ҳуқуқ нафақат давлат, жамоат ва маъмурий органлар томонидан, балки ваколатли шахс томонидан амалга оширилиши мумкин ва шу сабабли фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг усуллари умумий (юрисдикциявий; ноюрисдикциявий) ва махсус тартибда (маъмурий) амалга оширилади¹.

¹ Толстой Ю.К. К теории правоотношения. – Ленинград: Из-во Ленинградского Ун-та, 1959. – С.320.

Айрим олимларнинг шундай фикри асосли кўринади, унга кўра ҳимоя қилиш усулларининг умумий ва махсус усулларга бўлишнинг ҳаққонийлиги жуда ҳам ишончли ҳисобланмайди.

Ушбу муаллифларнинг ёндашувига умумий жиҳатдан қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, ҳуқуқни ҳимоя қилиш усули ушбу ҳуқуқни амалга оширувчи субъектга кўрсатади ва уни амалга ошириш тартибидан ажратиш мумкин, чунки ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқ у ёки бу усул доирасида амалга оширилмайди.

М.К.Треушников, ушбу категорияларни фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули ва шакли сифатида кўриб чиқиб, ҳуқуқни ҳимоя қилиш моддий (тартибга солиш) ҳуқуқ категорияси ҳисобланиб, ҳуқуқни ҳимоя қилиш усули эса, ваколатли органларнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш бўйича қонунда белгиланган фаолияти ҳисобланади, яъни фактик ҳолатларни аниқлаш, ҳуқуқ нормаларини қўллаш, ҳуқуқни ҳимоя қилиш усулини аниқлаш ва қарор чиқариш бўйича ҳаракатини назарда тутади¹. Фуқаролик кодексининг 13-моддасига асосан, фуқаролик ҳуқуқларини шахснинг ўзи ҳимоя қилишига йўл қўйилади, бунда шахс фактик ҳолатларни аниқлайди, моддий ҳуқуқ нормаларини қўллайди, тажовуздан ҳимоя қилиш усулини аниқлайди ва аниқ қарор қабул қилади, бу эса шахснинг ўзи ҳуқуқини ҳимоя қилишини фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули сифатида намоён бўлишини тақозо қилади.

¹ Гражданский процесс: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. / Под ред. М.К.Треушникова. –М., ОАО «Издательский Дом Городец», 2007. –С.584.

II БОБ. ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ЮРИСДИКЦИЯВИЙ УСУЛИ – ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ АСОСИ СИФАТИДА

2.1. Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг умумий асослари

Ҳимоя қилишнинг умумий тартиби фуқаролик муоамаласи орасида энг машҳур фуқаролик ҳуқуқини ҳимоя қилиш усули ҳисобланади. Чунки, ушбу усулда давлат томонидан рухсат берилган ҳаракатлар кетма-кетлиги мавжуддир. Умумий тартибда кўплаб ишлар фуқаролик, конституциявий судлов тарзида кўриб чиқилади.

Барча ҳимоя усуллари орасида суд (умумий) усули муҳим аҳамият касб этади, чунки ушбу усул тарихан вужудга келган, процессуал нормалар билан тузилган ва ҳуқуқий табиати бўйича универсал ҳисобланади. Ушбу усул тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари соҳасидаги қонунларни самарали қўллаш кафолати ҳисобланади.

Суд фаолияти, авваламбор, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, қонун билан белгиланган ҳолатда демократизм тамойилининг акси ҳисобланади. Шунини таъкидлаш лозимки, суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқ конституциявий ҳуқуқ ҳисобланади. Ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли (ФПК, 1-м.).

Суд ҳокимияти умумий юрисдикция судлари томонидан фуқаролик ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш фуқаролик судлови орқали амалга оширилади.

Фуқаролик судлови деганда (фуқаролик процесси) фуқаролик ишлари бўйича ишни кўриб чиқишнинг фуқаролик процессуал ҳуқуқи нормалари билан белгиланган тартибини белгилайди.

Фуқаролик ишлари деганда, кўплаб ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тушунилади – конституциявий, маъмурий,

молиявий, ер, фуқаролик, меҳнат, уй-жой, оилавий ҳуқуқий муносабатлар. Фуқаролик ишларини судда кўриш вазифалари фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликлари ва манфаатларини, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этишдан иборатдир¹.

Фуқаролик ҳуқуқларини суд тартибида кўришни амалга оширишни бошлаш – ариза усулида ифодаланган манфаатдор шахснинг иродасини белгилайди, (даъво ва алоҳида тартибда иш юритиш), ушбу аризада талаблар ва уларнинг асоси ўз ифодасини топади. Судья ҳуқуқий муносабатни судда кўриб чиқиш ваколати бор-йўқлигини текширади. Агар белгиланган ҳуқуқий ҳолат процессуал ва моддий тарафдан ҳимоя қилишнинг суд усулини доирасига кирса, суд аризани қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқаради. Ушбу юридик факт фуқаролик ишини пайдо бўлиш вақтини белгилайди.

Суд, манфаатдор шахслар, судловга кўмаклашувчи шахслар, фуқаролик процессининг бошқа иштирокчилари ишни кўриш ва ҳал этиш вақтида, маълум ҳаракатларни амалга оширадilar (муҳокамада иштирок этади, раддия эълон қилишади, тушунтиришлар беради ва ш.к.). Бундай ҳаракатлар, яъни қарор чиқариш, шикоят қилиш, ижро этиш, манфаатдор шахслар, судловга кўмаклашувчи шахслар, фуқаролик процессининг бошқа иштирокчилари томонидан фақат процессуал қонунчилик доирасида амалга оширилади ва шунга асосан процессуал ҳаракатлар деб аталади, уларнинг йиғиндиси фуқаролик процесси асосини ташкил этади.

Фуқаролик процесси йиғма категория сифатида суд, манфаатдор шахслар, судловга кўмаклашувчи шахслар, фуқаролик процессининг

¹Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон.

бошқа иштирокчиларининг процессуал ҳаракатларини, шунингдек процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларни қамраб олади. Одил судловни амалга ошириш мақсадида суд ва бошқа иштирокчилар маълум процессуал ҳуқуқ ва қонунчиликда белгиланган мажбуриятларга эга бўлишади. Процессда ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг реал қўлланилиши амалга оширилади. Суд ва бошқа процесс иштирокчиларига одил судлов мақсадини амалга ошириш учун процессуал ҳуқуқлар берилиб, маълум бир мажбуриятлар юклатилади. Процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлар процессда амалга ошириладилар. Масалан, суудга мурожаат қилиш ҳуқуқи даъво аризаси билан мурожаат қилиш орқали амалга оширилади, даъвога қарши ҳимоя ҳуқуқи эса – эътирозлар билдириш ва қарши даъво аризасини тақдим этиш орқали амалга оширилади. Даъвогар ва жавобгарнинг суд муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқига суднинг тарафларни муҳокама вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиш мажбурияти мос келади. Процесс иштирокчилари ҳокимият органи сифатида суд билан ижтимоий муносабатларга киришади, бу ижтимоий муносабатлар фуқаролик процессуал қонунчилик билан белгиланади ва фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар деб аталади.

Шундай қилиб, фуқаролик процесси – бу процессуал ҳаракатлар, суд, бошқа процесс иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ягона жамланмасидир. Процессуал ҳаракатнинг асосий, лекин ягона бўлмаган субъекти – суд (биринчи инстанция, апелляция, кассация инстанциялари суди, назорат тартибида иш кўрувчи суд). Процесс ишнинг натижасидан манфаатдор бошқа шахсларнинг фаолиятини ўз ичига олади: даъвогарлар – фуқаролар ва ташкилотлар, улар суддан ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни сўрайди; жавобгарлар - фуқаролар ва ташкилотлар, улар даъвога жавоб бериш учун чақириладилар; учинчи шахслар; алоҳида тартибда иш юритиш бўйича аризачилар. Ишнинг натижасидан манфаатдор фуқаролар, ташкилотлар ва уларнинг вакилларига процессуал қонун процесснинг барча босқичларида

фаол иштирок этиш имконини беради. Суд асосий иштирокчи сифатида нафақат процессуал ҳуқуқ нормаларига риоя этиши, балки барча процесс иштирокчилари томонидан уларни бажарилишини таъминлаши лозим.

Фуқаролик процесси деганда, фуқаролик процессуал ҳуқуқи билан тартибга солинган, фуқаролик ишларини бириччи инстанция судида кўриб чиқиш ва ҳал этиш, суд ҳужжатларига шикоят ёки протест киритиш, юқори турувчи судлар томонидан шикоят ва протестларни кўриб чиқиш, ижро ишини юртишдаги суднинг ҳаракатлари тушунилади.

Судловда вужудга келадиган муносабатларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат фуқаролик процессуал қонунчиликда белгиланган тартиб ва усулда амалга оширилиши мумкин бўлиб, бунда процесс иштирокчилари процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишади¹.

Ушбу фаолият доирасида фақатгина процессуал нормаларда олдиндан кўрсатиб ўтилган ҳаракатлар амалга оширилади, шу сабабли фуқаролик процессуал муносабатлар ҳар доим процессуал ҳуқуқий муносабатлар усулида бўлади, фуқаролик процессининг ўзи эса (фуқаролик тартибида иш кўриш) ҳаракат ва муносабатларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, суднинг ва бошқа иштирокчиларнинг бутун фаолияти процессуал деб ном олган махсус усулда амалга оширилади.

Фуқаролик процессуал усулнинг ўзига хос жиҳатлари:

а) суд ишларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартиби процессуал ҳуқуқ нормалари билан олдиндан аниқланган;

б) ишнинг натижасидан манфаатдор шахслар суд муҳокамасида ишни кўриш чоғида иштирок этиш ва ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадирлар;

в) суд қарори исботлар билан аниқланган фактлар ва қонун асосида чиқарилган бўлиши лозим.

¹ Слюсаренко М. Понятие защиты гражданских прав в суде // Юрист. –М., 2001. –№8. –С.26-29.

Ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг фуқаролик процессуал усули манфаатдор шахсларга ишни ҳал этиш, процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларни тенглигини таъминлашда маълум кафолатларни беради. Бу судни ҳуқуқ тўғрисидаги низони кўриб чиқиш ва ҳал этиш, моддий ва процессуал нормаларга риоя этиш, суд мажлисида қонуний ва асосли қарорларни чиқаришни мажбур этади¹.

2.2. Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг махсус асослари

Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг махсус (маъмурий) усули суд усули каби қонунчилик билан назарда тутилган муҳим ҳаракатлар тизими ҳисобланиб, шахс томонидан давлат органлари, мансабдор шахслар ҳаракатларини шикоят кўриб чиқиш ваколатига эга назорат тартибидаги ёки юқори турувчи органларга мурожаат қилишини назарда тутди.

Маъмурий усулнинг суд усулидан фарқли жиҳати шундаки, у процессуал воситага эга бўлиб, шу орқали бузилган фуқаролик ҳуқуқларини тиклайди. Судда асосий процессуал восита даъво ҳисобланади, маъмурий усулда тегишли органларга юбориладиган шикоят ҳисобланади.

Ҳимоя қилишнинг маъмурий усулининг мазмуни сифатида шикоятни бериш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуи ҳисобланади. Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг маъмурий усулининг ўзига хослиги шундан иборатки, бунда шахс фақат ҳуқуқларга эга бўлади. Хусусан, жабрланувчи юқори турувчи органга шикоят бериши, судга эса мурожаат қилиши мумкин. Агар бунда маъмурий усул танланган бўлса, тегишли давлат органларига шикоятни ўз вақтида кўриш, тегишли чораларни қабул қилиш, бу ҳақда давлат органлари ва мансабдор

¹ Богданова Е.Е. Формы и способы защиты гражданских прав и интересов // Журнал российского права. –М., Норма, 2003. –№6. –С.73.

шахсларининг ноқонуний ҳаракатларига шикоят берувчи шахсга хабар берилади.

Умумий қоидага кўра, фуқаролик ҳуқуқларини маъмурий тартибда ҳимоя қилиш усули фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда амалга оширилади. Шунини таъкидлаш лозимки, давлат органлари ва мансабдор шахсларни ноқонуний ҳаракатларига қонунда белгиланган махсус ҳолатларда шикоят бериш тўғрисидаги қоида ушбу ҳаракатларни мажбурий маъмурий тартибда шикоят берилишини назарда тутди. Чунки қонун фуқаролик ҳуқуқлари бузилган шахсга ушбу ҳаракатларни амалга оширган давлат хизматчиси устидан унинг бошлиғига арз қилишни таъқиқламайди, бу эса бошлиқдан ноқонуний ҳаракатга бартараф этишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширишни назарда тутди. Агарда ушбу ҳолатда бошлиқ арзни қаноатлантиришни инкор этса, ҳуқуқи бузилган шахс ҳам бошлиқнинг ҳам ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларига суд тартибида шикоят бериши мумкин.

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатларига юқори турувчи ва суд органларига шикоят берилишининг муқобил (альтернатив) тартиби бўлиши билан бирга дастлабки маъмурий асослантириш тартиби ҳам мавжуд. Конституциянинг 44-моддасида белгиланганидек, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги Қонуни нормаларида ҳам ушбу ҳолат ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган. Жумладан, мазкур Қонуннинг 1-моддасига кўра, ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари)

орқали ўз ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, - деб белгиланган.

Қонун шикоят берилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар доирасини белгилаб беради. Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва мансабдор шахсларнинг шикоят қилишга лойиқ жамоавий ёки якка тартибдаги хатти-ҳаракатлари (қарорлари) жумласига:

- фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузган;
- фуқаронинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқаришига монелик туғдирган;
- фуқаро зиммасига қонунга хилоф равишда қандайдир мажбурият юклатилишига сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) киради.

Қонун фуқаро ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан шикоят билан бевосита судга ёки тобелик тартибида юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга мурожаат қилиш ҳуқуқини белгилайди.

Таъкидлаш лозимки, қонун шикоятни кўриб чиқиш муддатини белгилаб беради. Тобелик тартибида юқори турувчи орган, мансабдор шахс шикоятни бир ойлик муддатда кўриб чиқишлари шарт. Агар фуқаронинг шикоятини қаноатлантириш рад қилинган бўлса ёки у шикоят берган кундан бошлаб бир ой мобайнида жавоб олмаган бўлса, судга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли.

Шикоятни ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган фуқаро ёки унинг вакили, шунингдек фуқаронинг илтимосига кўра жамоат бирлашмасининг, меҳнат жамоасининг ваколат берилган вакили бериши мумкин.

Шикоят фуқаронинг хоҳишига қараб ё у яшайдиган жойдаги судга ёки орган жойлашган ердаги ёхуд хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилинаётган мансабдор шахснинг иш жойидаги судга берилади.

Ҳарбий хизматчи ўзининг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузаётган ҳарбий бошқарув органлари ва ҳарбий мансабдор шахсларнинг хатти-

ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят билан ҳарбий судга, шунингдек юқори турувчи мансабдор шахсларга қонунда назарда тутилган тартибда мурожаат қилишга ҳақли¹.

Шикоят қаноатлантирилган тақдирда, қарор бекор қилинади ёки давлат органлари ва мансабдор шахслари томонидан қабул қилинган ҳаракат ёхуд ҳаракатсизлик ноқонуний деб тан олинади. Шикоят даъво аризаси каби тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилиши мумкин. Агар шикоят маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорни қабул қилган ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ҳаракати устидан берилган бўлса, унинг қаноатлантирилиши жараёнида маъмурий маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш тугатилади ёки қўшимча текшириш ҳақида буйруқ чиқарилади (агар ушбу буйруқ ҳуқуқбузар сифатида жалб этиладиган шахсни айбини тасдиқлаш учун зарур бўлса).

Айрим ҳолларда, шикоятни қаноатлантириб, юқори турувчи орган ёки мансабдор шахс қуйи турувчи давлат органи ёки мансабдор шахснинг ҳаракатларини ноқонуний деб ҳисоблайди ва бир вақтнинг ўзида ҳуқуқбузарликни бартараф этиш учун амалга оширилиши керак бўлган ҳаракатларни белгилайди (ёхуд юқори турувчи орган, мансабдор шахс ушбу ҳаракатларни ўзи бажаради, агар бу ҳаракатлар унинг ваколати доирасига кирса).

Маъмурий шикоят беришда қуйи турувчи давлат органи ва мансабдор шахснинг ҳаракатлари ўзгартирилади. Масалан, жарима миқдори камайтирилади ёхуд жариманинг ўрнига енгилроқ чора кўрилади. Бунда қонун оғирроқ жазо тайинлашни ва жарима миқдорини кўпайтиришни таъқиқлайди.

Шикоятни қабул қилишни рад этиш фақатгина ёзма мурожаат қилиш тартиби ва шикоят бериш муддатлари ўтиб кетганда йўл қўйилади. Рад этишга, шунингдек, ҳужжат мурожаат этган шахс томонидан

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги 1995 йил 30 августдаги 108-І-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 9-сон, 183-модда.

имзоланмаганда ёки вакилликни амалга оширишга тегишли ваколати бўлмаган шахс томонидан имзоланганда йўл қўйилади. Мурожаат қўйидаги ҳолларда қўриб чиқилмайди:

- шикоят предмети қўрсатилмаганда;
- ҳаракатлари (ҳаракатсизликлари) устидан шикоят қилинаётган давлат органи ёки мансабдор шахс қўрсатилмаганда;
- мурожаат этаётган шахс қўрсатилмаганда.

Юқоридаги ҳолатларда мурожаат этаётган шахсга асосланган ёзма равишда рад этиш тўғрисида хабар берилади. Рад этиш тўғрисидаги қарор устидан умумий тартибда шикоят берилиши мумкин. Шунингдек, рад этиш асослари ва сабабларини олгандан сўнг, такроран мурожаат этилиши мумкин.

Қарорда унинг устидан, давлат органлари ва мансабдор шахслари ҳаракати ва ҳаракатсизлиги устидан кейинчалик шикоят берилиши тартиби тўғрисида тегишли қонун нормаларига ҳавола қилинган ҳолда қўрсатиб ўтилади.

Назорат органлари ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракати ва ҳаракатсизлиги устидан иккиламчи шикоят бериш суд тартибида амалга оширилади. Шунингдек, прокурорга ҳам мурожаат қилиниши мумкин.

Қайд этиш лозимки, қўп ҳолатларда юқори турувчи органлар ва мансабдор шахслар қўйи турувчи органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқбузарликлари ҳақида жисмоний ва юридик шахслар мурожаатидан билиб олишади. Ҳуқуқбузар шахсга нисбатан интизомий жазо қўлланиши мумкин (танбех, хайфсан, огоҳлантириш, эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш, ишдан четлаштириш).

Шунингдек, мансабдор шахслар маъмурий, жиноий ёки моддий жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Шикоят предмети деганда, бошқа мурожаатлардан фарқли ўларок, мурожаат этувчи шахсининг бузилган ҳуқуқларни тиклаш тўғрисидаги

талаби тушунилади. Агар мурожаат этувчи шахс ўз қонуний ҳаракатларини амалга ошириш мақсадида мурожаат қилса, бундай мурожаат шикоят ҳисобланмайди. Шикоят билан мурожаат қилганда шахс биринчидан, ўз ҳуқуқлари бузилганлиги ҳақида хабар беради, иккинчидан, уларни тиклашни сўрайди¹.

Шикоятнинг асоси, яъни “юридик таркиби” сифатида мурожаат этувчи шахснинг бевосита ёки жамоавий тарзда ҳуқуқларини бузувчи, ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахсларининг амалдаги қонунчиликка зид бўлган қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизликларини кўрсатувчи ҳолатларга айтилади.

Шикоятнинг ўзига хос белгиловчи хусусияти бу – ҳужжат матнида (қоида тариқасида шикоятнинг яқунловчи қисмида бўлади) бузилган ҳуқуқ ва манфаатларни тиклаш ҳақидаги талаб мавжудлигидир.

Ҳуқуқий оқибатлари бўйича шикоятнинг бошқа мурожаатлардан фарқи шундаки, шикоятнинг жавоби иккиламчи тарзда давлат органлари ва мансабдор шахслари қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизликлари устидан судга мурожаат қилиш имконини беради. Қолган мурожаатлар эса, иш юритишнинг умумий тартиби бўйича кўриб чиқилади. Масалан, шахс суд апаратининг, айнан суд девонхонасининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят бермоқчи. Амалиётда шундай ҳолатлар бўладикки, суд ҳужжатларини ижро этиш сунъий кечиктирилади, чунки қарорлар ва ажримлар ўз вақтида юборилмайди. Бунда бевосита раҳбар – девонхона жойлашган суднинг раисига шикоят бериш мумкин. Шикоятда мансабдор шахснинг ҳаракатсизлиги ҳолатида шикоят Ўзбекистон Республикаси Олий судига ёзилиши тўғрисида хабар кўрсатилиши лозим.

Умуман олганда, шикоятни уч усулда бериш мумкин:

- судьяга шахсан қабул вақтида шикоятни топшириш;

- девонхонага шикоятни топшириш. Бунда шикоятнинг икки нусхаси бўлиши лозим: биринчиси девонхона ходимиغا топширилади, иккинчиси

¹ Судебная защита прав и свобод граждан: Научно-практическое пособие. –М., Норма, 1999. –С.227.

шикоят қабул қилинганлиги тўғрисидаги ёзув киритилганидан сўнг шикаят қилувчи шахсда қолдирилади.

- шикаятни почта алоқаси хизмати орқали юбориш.

Фуқаролик ҳуқуқларини маъмурий тартибда ҳимоя қилишнинг энг асосий муаммоси шуки, фуқароларда ўз ҳуқуқларини маъмурий тартибда ҳимоя қилиш истаги йўқлигидир. Бунинг сабаби шундаки, маъмурий органлар бюрократлашган ва иерархик тизимга эга бўлиб, ҳар доим ҳам ўзидан қуйи турувчи тегишли органлар ва мансабдор шахслар устидан салбий ҳаракатлар амалга оширишдан манфаатдор эмас. Бошқа бир муаммо сифатида давлат идоралари томонидан фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш ва амалдагиларни соддалаштиришга оид нормалар ишлаб чиқилмаганлигидир.

2.3. Ҳакамлик судлари – фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш воситаларидан бири сифатида

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида низоларни альтернатив тарзда ҳал этиш тобора кенг тарқалмоқда. Мамлакатимизда фуқаролик-ҳуқуқий низоларни давлат органлари томонидан одил судловни амалга ошириш орқали ҳал этишдан ташқари, фуқаролик субъектлари ўртасида низоли ҳуқуқий масалаларни ҳал этишнинг альтернатив тизими вужудга келди. Ушбу тизимнинг элементи – ҳакамлик судлари ҳисобланади.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи хўжалик низоларини ҳакамлик судлари томонидан ҳам ҳал этилаётгани мамлакатимизда бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасида ҳакамлик судлари фаолиятини тартибга солувчи “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонун 2006 йил 16 октябрь куни қабул қилинган. Мазкур қонун асосида ҳакамлик судлари ўз фаолиятини

холислик, қонунийлик асосида мустақил равишда ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг тортишуви ва тенг ҳуқуқлигини таъминлаган ҳолда амалга оширмоқдалар.

Ҳакамлик судларининг низоларни муқобил ҳал этишда асосий нодавлат орган сифатидаги фаолият қўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Чунки, бунинг учун мамлакатимизда ҳакамлик судлари фаолиятини тартибга солувчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонунида ҳакамлик судлари фаолиятининг асосий принциплари, уларни ташкил этиш ва ҳисобини юритиш тартиби, мазкур судлар томонидан ҳал этиладиган низолар, ҳакамлик битими шакли ва мазмуни, ҳакамлик суди судьясига қўйиладиган талаблар, ҳакамлик судининг таркибини шакллантириш, низони ҳакамлик судида ҳал қилиш билан боғлиқ харажатлар, ҳакамлик судининг ҳужжатлари, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори юзасидан низолашиш ва уни ижро этишга оид нормалар белгиланганлиги қайд қилинди.

Ҳакамлик судлари фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири бўлганлиги сабабли, уларни ташкил этиш ва фаолият юритиши нафақат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, балки уларни ташкил этаётган юридик шахсларнинг локал ҳужжатлари (доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидалари, яъни низоми ва регламенти) билан ҳам тартибга солиниши унинг ўзига хос хусусиятидир.

Ҳакамлик судлари фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи хўжалик низоларини ҳал этади.

Ҳакамлик судлари маъмурий, оила ва меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа низоларни ҳал этмайди¹.

¹Ўзбекистон Республикасининг “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги 2006 йил 16 октябрдаги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 42-сон, 416-модда.

Қонунчилик ҳакамлик судлари томонидан низоларни ҳал этишда қўлланиладиган ҳуқуқни белгилайди. Ҳакамлик суди низоларни Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилади. Ҳакамлик суди шартнома шартларига мувофиқ ва иш муомаласи одатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилув қарори қабул қилади.

Агар ҳакамлик битими тарафларининг муносабатлари қонун ҳужжатлари ёки ҳакамлик битими тарафларининг келишуви билан тўғридан-тўғри тартибга солинмаган бўлса ва бу муносабатларга нисбатан қўлланиладиган иш муомаласи одати мавжуд бўлмаса, ҳакамлик суди шунга ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини қўллайди (қонун ўхшашлиги), мазкур ҳолларда қонун ўхшашлигидан фойдаланиш имконияти бўлмаган тақдирда эса, ҳакамлик битими тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларининг мазмунидан (ҳуқуқ ўхшашлиги) ҳамда ҳалоллик, оқиллик ва адолат талабларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ҳакамлик муҳокамаси низони бетараф бўлган ҳакамлик суд ёки суд таркиби томонидан кўриб чиқилиши ва ҳал этилишини назарда тутади, ушбу суд тарафлар учун мажбурий бўлган қарорни чиқаради. Ҳакамлик муҳокамаси низони ҳал этишнинг мураккаброқ тартибини назарда тутади. Ҳакамлик судида иш кўриш кўп жиҳатдан давлат органларида иш кўриш билан боғлиқ, аммо фарқли тарзда диспозитив ҳисобланади. Ҳакамлик суди ўз ҳал қилувига топширилган низони, шу жумладан ҳакамлик битими йўқлиги ёки ҳақиқий эмаслиги сабабли ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан бири ҳакамлик муҳокамасига қарши эътироз билдирган ҳолларда, низони кўриб чиқишга ваколати борлиги ёхуд йўқлиги ҳақидаги масалани мустақил равишда ҳал этади. Шу мақсадда шартнома шарт тарзида расмийлаштирилган ҳакамлик битими шартноманинг бошқа шартларига боғлиқ бўлмаган битим сифатида кўриб чиқилиши керак. Ҳакамлик судининг шартни қамраб олган шартноманинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги хулосаси ушбу шартнинг қонунга биноан ҳақиқий эмас деб

топилишига олиб келмайди. Низо ҳакамлик суди томонидан мазмунан кўриб чиқилгунига қадар, ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик судида ўз ҳал қилувига топширилган низони кўриб чиқишга ваколат йўқлиги ҳақида арз қилишга ҳақли.

Агар кўриб чиқилиши ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёхуд қонунга ёки доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидаларига мувофиқ ҳакамлик муҳокамаси предмети бўла олмайдиган масала ҳакамлик муҳокамаси давомида ҳакамлик муҳокамаси предметиға айланса, ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик суди ўз ваколатидан четга чиққанлиги ҳақида арз қилишга ҳақли.

Ҳакамлик суди ҳакамлик муҳокамаси тарафининг юқоридаги бандларга мувофиқ берилган аризасини кўриб чиқиши шарт. Аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим чиқарилади.

Агар ҳакамлик суди ўз ваколати ҳақидаги масалани кўриб чиқаётганда низони кўриб чиқишга ҳакамлик судида ваколат йўқлиги тўғрисида ажрим чиқарса, ҳакамлик суди низони мазмунан кўриб чиқиши мумкин эмас¹.

Ҳакамлик суди низо ҳолатлари текширилганидан сўнг, ҳакамлик суди таркибига кирувчи ҳакамлик судьяларининг кўпчилик овози билан ҳал қилув қарори қабул қилади.

Ҳал қилув қарори ҳакамлик судининг мажлисида эълон қилинади. Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг фақат хулоса қисмини эълон қилишга ҳақли. Бундай ҳолда асослантирилган ҳал қилув қарори ҳал қилув қарорининг хулоса қисми эълон қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ҳакамлик муҳокамаси тарафларига юборилиши керак. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган пайдан эътиборан кучга киради.

¹Ўзбекистон Республикасининг “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги 2006 йил 16 октябрдаги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 42-сон, 416-модда.

Ҳакамлик суди, агар зарур деб топса, ҳал қилув қарори қабул қилишни кечиктиришга ҳамда ҳакамлик муҳокамасини қайтадан бошлашга ҳақли бўлиб, қонунда белгиланган тартибда ҳакамлик муҳокамаси тарафларига бу ҳақда хабар берилади.

Агар келишув битими қонун ҳужжатларига зид бўлмаса ҳамда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаса, ҳакамлик суди ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг илтимосномасига биноан келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади. Келишув битимининг мазмуни ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорида баён қилинади.

Қонунчилик ҳакамлик судлари қарорлари устидан судга мурожаат қилиш ҳуқуқини беради. Ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида ваколатли судга ушбу ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўраб ариза бериш йўли билан ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори юзасидан низолашиши мумкин.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида ариза берилганлиги низо бўйича иш юритиш ваколатли суд томонидан тугаллангунига қадар ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг ижроси бўйича иш юритишни тўхтатиб туради.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори мазкур ҳал қилув қарорида белгиланган тартибда ва муддатларда ихтиёрий ижро этилади. Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорида ижро этиш муддати белгиланмаган бўлса, у дарҳол ижро этилиши керак.

Юридик адабиётларда таъкидланишича, ҳакамлик судининг қарори мажбурий ҳисобланади ва қонунчиликда белгиланган ҳолатларда ҳўжалик судлари томонидан ушбу қарор бўйича ижро варақаси берилиши орқали давлат органи қарори каби тусга эга бўлади¹.

¹ Виноградова Е.А. Правовые основы организации и деятельности третейского суда. –М., 1996. –С.96.

Дунё тажрибасидан кўринадик, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асосларидан бири сифатида ҳакамлик суди энг оммалашган усулд сифатида қаралмоқда¹.

Шундай қилиб, суд тизими ва низоларни ҳал этишнинг альтернатив тизимида ҳакамлик муҳокамаси муҳим ўрин эгаллайди, шу сабабли уни фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳал этишнинг альтернатив усули деб айтишимиз мумкин.

¹ Ф.С.Иноятова. Процессуальные механизмы обеспечения законности и обоснованности решения третейского суда. Автореф.дисс...канд.юрид.наук. –Ташкент. 19-с.

III БОБ. ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ НОЮРИСДИКЦИЯВИЙ УСУЛИ – ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ АСОСИ СИФАТИДА

3.1. Ўз-ўзини ҳимоя қилиш – фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ноюрисдикциявий асоси сифатида

Фуқаролик ҳуқуқларини шахснинг ўзи ҳимоя қилиши – бу манфаатдор шахс томонидан ўзининг шахсий ёки мулкӣ ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилиш мақсадида амалга оширадиган қонунга зид бўлмаган ҳаракатларидир.

Фуқаролик кодексида белгиланганидек, фуқаролик ҳуқуқларини шахснинг ўзи ҳимоя қилиш усуллари ҳуқуқни бузишга мутаносиб бўлиши ҳамда ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш учун зарур ҳаракатлар доирасидан чиқиб кетмаслиги керак. Бундай ҳаракатларга, масалан, мулкнинг эгаси ёки мулкдорнинг зарурий мудофаа ёки охириги зарурат даврида амалга ошириладиган мулкни муҳофаза этишга қаратилган ва бошқа шунга ўхшаш ҳаракатлар киради.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг бундай усуллари ҳам қонунӣ даражада, ҳам одатларда кўрсатилиши мумкин. Бундай чоралар қаторига қулфлар, кўриқлов тизимлари, машина ва уйлардаги сигнализация киради. Умуман олганда, ўз кучлари билан фуқаролик ҳуқуқларининг ўзини ўзи ҳимоя қилиш усуллари қўллаш мумкин, агар бу қонун ва жамиятда белгиланган қоидаларга зид келмаса¹.

Ушбу ҳимоя чораларини қўллаш маълум бир чегараларга эга бўлиб, субъектив фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишнинг умумий ҳуқуқий нормалари ва принциплари билан тартибга солинади. Агар ушбу усуллар жамият учун хавфли бўлса ҳамда ҳуқуқий тартиб ва принципларга зид бўлса, ушбу усуллар орқали мулкни ҳимоя қилишга йўл қўйилмайди. Масалан, мулкдор ўз ер участкаси чегараларини ҳимоя қилиш мақсадида

¹ Васин Ю.Г., Диденко А. Г. Защита субъективных гражданских прав // Юридические науки. Вып. 1. –Алма-Ата, 1971. –С.3-10.

уни электр токи ўтказилган сим девор билан ўраб олиши. Бу ҳолатда, ҳимоя воситаларини қўллашга йўл қўйилмайди, чунки мулкни ҳимоя қилишга қаратилган шартлар нафақат ноқонуний ҳаракатда, балки эҳтиётсизлик оқибатида ҳам шахсга зиён етказиши мумкин. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ваколатли субъект учинчи шахслар ҳуқуқ ва манфаатларига зид келмайдиган ўзини-ўзи ҳимоя қилиш усуллари қўллаши мумкин. Муҳофаза воситалари орқали зарар етказилганда, қонун билан белгиланган тартибда етказилган зарарни қоплаш мажбурияти вужудга келади.

Аммо қонунда тўғридан тўғри белгиланган ҳолатларда ваколатли шахсининг ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда бошқа шахсларга зарар етказиши қонуний ҳисобланади. Бундай истисно ҳолатларга – охириги зарурат ва зарурий мудофаа киради.

Зарурий мудофаа – фуқаролик ҳуқуқларини ўзини ўзи ҳимоя қилиш асоси сифатида ўз ўрни ва аҳамиятига эга. ФКнинг 987-моддасига асосан зарурий мудофаа ҳолатида етказилган зарар, агар бунда мудофаа чегарасидан чиқилмаган бўлса, тўланмайди.

Агар ғайриқонуний тажовуздан ҳимояланиш пайтида ҳимояланувчи учинчи шахсга зарар етказган бўлса, бу зарар тажовуз қилган шахс томонидан тўланиши лозим.

Шахсга унинг жиноий ҳаракатларининг пайини қирқиш ёхуд уни ушлаш ва тегишли органларга олиб бориш сабабли етказилган зарар тўланмайди.

Зарурий мудофаа институти мажмуавий тушунча бўлиб, ҳам фуқаролик ҳуқуқи, ҳам жиноят ҳуқуқи доирасида тартибга солинади. Фуқаролик ҳуқуқида зарурий мудофаа институти жиноят ҳуқуқига нисбатан кенгроқ ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 37-моддасига мувофиқ, зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган, яъни мудофааланувчи ёхуд бошқа кишининг шахси ёки ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини қонунга хилоф тажовузлардан тажовузчига зарар етказган ҳолда ҳимоя қилиш чоғида

қилинган ҳаракат, агар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топилмайди. Фуқаролик ҳуқуқи бўйича зарурий мудофаа тушунчаси доирасида эса, шунингдек фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни келтириб чиқувчи ҳаракатлар ҳам қамраб олинади.

Мудофааланаётган шахснинг ҳаракатларини зарурий мудофаа деб топиш шартлари жиноят ва фуқаролик ҳуқуқи учун бир хил ҳисобланади. Ушбу шартлар ҳужум ва ҳимояга тегишлидир. Зарурий мудофаа фақат ҳаракат орқали содир қилинади. Ҳаракатсизликдан зарурий мудофаа актини қўллаш мумкин бўлмайди. Ўз мазмунига кўра, зарурий мудофаа туфайли тажовузчига жисмоний ва мулкӣ зарар етказилиши мумкин. Жисмоний зарар тажовузчининг баданига шикаст етказишда, мулкӣ зарар эса тажовузчининг мулкига зарар етказиш ёки мулкни нобуд қилиш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Зарурий мудофаада тажовуз аниқ (реал), кўзга ташланадиган ва ноқонуний бўлиши керак.

Зарар фақат тажовуз етказувчининг ўзигагина етказилади. Зарурий мудофаа актини қўллаш вақтида учинчи шахсга нисбатан зарар етказилмайди. Агар зарурий мудофаа актини қўллаш вақтида учинчи шахсларга зарар етказилса жавобгарлик умумий асосларга биноан айбининг хусусиятига қараб ҳал қилинади.

Тажовуз ижтимоий муносабатга зарар етказишга қаратилган тажовуз бўлса, зарурий мудофаа тажовузга зарар етказишда ифодаланади. Шунга кўра, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш келтирилиши мумкин бўлган зарар билан бартараф қилинган ва етказилган зарар ўртасидаги номувофиқликдир. Ана шундай номувофиқликни аниқлаш учун тажовузнинг хусусияти ва ҳавфлилик даражаси олинади.

Тажовузнинг хусусияти – тажовузнинг сифат кўрсаткичидир. Ана шу кўрсаткични баҳолаш орқали мудофаанинг қонунга асосланилганлиги аниқланади. Агар тажовуз мудофааланувчининг ҳаётига қарши қаратилган бўлса, ҳар қандай мудофааланиш усулини қўллаш мумкин.

Мудофааланишнинг миқёси тажовузчининг тажовуз миқёси, келтириладиган зарарнинг миқёсига мувофиқ келиши керак. Айнан ана шу тажовуз ва мудофаанинг хусусияти бутунлай мувофиқ келмаслиги, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилган деб ҳисоблашнинг шarti ҳисобланади. Айнан ана шу номувофиқлик биринчи навбатда мудофааланувчига тегишли бўлиши керак.

Зарурий мудофаа мудофааланаётган шахснинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг бир усули ҳисобланади. Зарурий мудофаа вазияти давлат ва жамият, бошқа шахсларнинг манфаати ҳимоя қилинганда ҳам вужудга келади. Зарурий мудофаанинг асосий белгиси унинг чегарасидан четга чиқмаслик ҳисобланади.

Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш ҳимоя воситалари, тажовуз суръати ва унинг вақтига нисбатан бўлиши мумкин. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш ҳимоя воситалари ва усуллари тажовуз характери ва хавфлилик даражасига мос келмаслиги ҳолатида бўлиши мумкин. Аммо, бунда мудофаланаётган шахснинг руҳий ҳолати, кучларнинг мувофиқлиги, мураккаб вазиятни ҳисобга олиш керак¹.

Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш тажовуз суръати ва мудофаа суръати орасидаги номувофиқликда кўриниши мумкин. Масалан, тажовуз бошланмасдан олдин ҳимоя ва мудофаа ҳаракатларини амалга ошириш. Вақтга нисбатан зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш нафақат муддатидан аввал мудофааани бошлаш, балки мудофаа тугаллангандан сўнг мудофааани амалга ошириш билан боғлиқдир.

Зарурий мудофаанинг ҳуқуқий оқибатлари шундан иборатки, зарурий мудофаа ҳолатида етказилган зарар, агар бунда мудофаа чегарасидан чиқилмаган бўлса, зарар етказилган шахсга тўланмайди.

Аммо зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш ҳолатида эса масала бошқа йўл билан ҳал этилади, чунки ушбу ҳолатда фуқаролик-

¹ Васин Ю. Г., Диденко А. Г. Защита субъективных гражданских прав // Юридические науки. Вып. 1. –Алма-Ата, 1971.

ҳуқуқий жавобгарлик вужудга келади. Лекин суд томонидан зарар миқдори аниқланганда ва қопланганда зарар етказган шахснинг зарурий мудофаа ҳолатида бўлганлиги, бошқа шахс томонидан унинг ҳуқуқлари ва манфаатларига зид равишда тажовуз амалга оширилганлиги ҳисобга олинади.

Шунингдек, фуқаролик ҳуқуқларини ўзини-ўзи ҳимоя қилиш асосларидан бири сифатида охирги зарурат ҳолатини ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Охирги зарурат – фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули сифатида ваколатли шахснинг охирги зарурат пайтида амалга оширадиган ҳаракатлари ҳисобланади¹.

ФКнинг 988-моддасига асосан охирги зарурат ҳолатида етказилган зарар, яъни зарар етказган шахснинг ўзига ёки бошқа шахсларга таҳдид солган хавфни бартараф этиш учун охирги зарурат ҳолатида етказилган зарар, агар бу хавф мазкур ҳолатларда бошқа воситалар билан бартараф этилиши мумкин бўлмаса, зарар етказган шахс томонидан тўланиши лозим, - деб белгиланган.

Бундай зарар етказилган ҳолатларни ҳисобга олиб, суд уни тўлаш мажбуриятини зарарни етказган шахс учинчи шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилган бўлса, ўша шахсга юклаши ёхуд бу учинчи шахсни ҳам, зарар етказган шахсни ҳам зарарни тўлашдан тўлиқ ёки қисман озод қилиши мумкин.

Охирги зарурат ҳолатига, агар етказилаётган зарарни олдини олиш имкони бўлса, йўл қўйилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 38-моддасида белгиланишича, охирги зарурат ҳолатида, яъни шахснинг ёки бошқа фуқароларнинг шахсига ёки ҳуқуқларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид солувчи хавфни қайтариш учун қонун билан қўриқладиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказган ҳолда содир этилган қилмиш, башарти шу хавфни ўша ҳолатда бошқа чоралар билан

¹ Кораблева М.С. Защита гражданских прав: новые аспекты // Актуальные проблемы гражданского права: Сборник статей. –М, 1999. –Вып. 1. –С.78.

кайтаришнинг иложи бўлмаса ҳамда келтирилган зарар олди олинган зарарга қараганда камроқ бўлса, жиноят деб топилмайди. Демак, охириги заруратга ҳуқуқий жиҳатдан баҳо берилса, жиноят ҳисобланмайди.

Айрим юридик адабиётларда охириги заруратга ижтимоий баҳо берилар экан, у ижтимоий хавфли қилмиш эмас деб ҳисобланади. Аммо таъкидлаш жоизки, охириги заруратда иккита қонун билан қўриқланадиган муносабатлар тўқнашади. Ана шу тўқнашув натижасида камроқ зарар етказадиган муносабатга имтиёз берилади. Айнан имтиёз бериладиган муносабат инсон ҳаёти бўлиши мумкин. Охириги заруратда ҳар иккала муносабат ҳам қонун билан қўриқланар экан, кўпроқ аҳамиятга эга бўлган муносабатни хавфдан сақлаб қолиш учун камроқ аҳамиятга эга бўлган муносабатга зарар етказилади ва шу йўл билан кўпроқ аҳамиятга эга бўлган муносабат сақлаб қолинади.

Қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилиш барча фуқароларнинг вазифасидир. Айрим хизмат қисмларида (масалан, милиция ходимлари, ўт ўчириш хизмати ходимлари, қутқарув хизмати ходимлари ва ҳ.к.) ижтимоий муносабатни ҳар қандай тажовуздан ёки хавфдан ҳимоя қилиш уларнинг мажбурияти ҳисобланади ва ўзларига юклатилган хизмат мажбуриятини бажармаган тақдирда, ҳуқуқий жавобгарлик вужудга келади.

Охириги заруратда мудофаланувчи аниқ содир бўлган хавфни бартараф қилиш учун қонун билан қўриқланадиган бошқа ижтимоий муносабатга зарар етказади¹.

Ҳар қандай хавф, табиий офат (ёнғин, сел, zilзила ва ҳ.к.), ишлаб турган машина ва механизмлар, турли қурилмалар, қисқаси ҳар қандай хавф манбаи, инсонлар ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқларига, жамият ва давлат манфаатларига хавф туғдириб туради. Ана шундай хавф аниқ юз берганда, бу хавфни бартараф қилиш учун зарурий чора сифатида охириги зарурат чораси қўлланиши мумкин. Хавф манбаи очлик, ташналик, қаттиқ совуқ,

¹ Защита и самозащита гражданских прав: Учебное пособие / Свердлов Г.А. –М., Лекс-Книга, 2002.

оғир касаллик ва ҳоказолар ҳам бўлиши мумкин. Масалан, ўз уйини таъмирлаётган Б. девор устидан йиқилиб, ҳаёти учун хавфли бўлган жароҳат олади. Унинг қўшниси А. шу жойда қисқа вақтга қолдирилган бировнинг автомашинасига эгасидан сўрамай, Б.ни машинага солиб, шифохонага етказди. Кўрсатилган тез тиббий ёрдам туфайли Б.нинг ҳаёти сақлаб қолинади.

Шунингдек, хавф манбаи одамларнинг ижтимоий хавфли ҳаракатлари ҳам бўлиши мумкин. Фуқаролик ҳуқукидан фарқли ўлароқ, жиноят ҳуқуқида охирги зарурат айрим белгиларга эга. Таъкидлаш керакки, инсонларнинг ҳаракати хавф манбаи бўлиб қолганда, у ҳаракатни жиноят-ҳуқуқий нуқтаи назарда баҳоланганда фақат жиноий қилмиш бўлиши керак. Шу жиноий қилмиш хавфдан сақланишнинг охирги чораси сифатида қилинганлиги туфайли охирги зарурат деб топилиб, шахс жиноий жавобгарликка тортилмайдилар.

Агарда хавф маъмурий тартибда жавобгар қилинадиган ҳаракат туфайли юзага келган бўлса, ундай ҳаракатга нисбатан охирги зарурат чорасини қўллаш мумкин бўлмайди. Чунки биринчидан, хавф манбаи кишилар ҳаракати бўлса, у жиноий хусусиятга эга бўлиши керак; иккинчидан, бундай ҳолда хавф манбаи томонидан келтирилиши мумкин бўлган зарардан охирги зарурат чораси сифатидаги ҳаракат туфайли келтирилган зарар кўп бўлиб қолади. Аммо охирги зарурат чораси туфайли келтирилган зарар ҳам, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга асосан ҳал қилинадиган бўлса, шахс жавобгар қилинмайди.

Хавф манбаи кишиларнинг қасддан қилган ёки эҳтиётсизликдан қилган ҳаракатлари туфайли ҳам вужудга келиши мумкин. Шунингдек, кишиларнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизликлари туфайли ҳам вужудга келиши мумкин.

Охирги заруратнинг белгилари қуйидагиларда ифодаланади:

1) охирги зарурат туфайли қонун билан қўриқладиган ижтимоий муносабатга зарар етказилади. Бундай зарар хавфни келтириб чиқарган

шахснинг ўзига ёки бошқа шахсларга етказилиши мумкин. Масалан, ўз уйида газдан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги туфайли келиб чиққан ёнғин қўшни уйларга ҳам ўтиб кетишининг олдини олиш учун ёнаётган уйнинг қўшни билан туташ бўлган том қисмини олиб ташлаш, фермер хўжалигининг чорва молларини ёнғиндан сақлаб қолиш мақсадида молхонанинг деворини йиқитиб, молларни олиб чиқиш ва ҳоказолар.

Охирги зарурат туфайли фақатгина кишилар ҳаёти, соғлиғигагина эмас, балки фуқароларнинг мулкига, ҳар қандай мулкка, табиий муҳитга, қишлоқ хўжалигига ва ҳоказоларга зарар етказилиши мумкин. Масалан, буғдой даласида юз берган ёнғин тарқалиб кетмаслиги учун ҳимоя чизиғи сифатида буғдойзорларни ҳайдаш (шудгор қилиш);

2) охирги зарурат фақат хавф бошланган ва тамом бўлмаган вақт мобайнидагина қўлланади. Ҳали бошланмаган ва тугаб бўлган хавфга нисбатан охирги зарурат чорасини қўллаш мумкин эмас;

3) вужудга келган хавфни бошқа бирор чора орқали бартараф қилишнинг иложи бўлмаган бўлиши ва қўлланган чора хавфни бартараф қилишнинг охирги чораси бўлиши керак.

Йўлга бирданига югуриб чиқиб қолган болани босиб кетмаслик учун ҳайдовчи машинани йўлнинг ўнг томонига буриб юборади. Натижада йўлкада (тротуарда) кетаётган аёлни уриб юбориб, баданига оғир шикаст етказади. Худди шу вазиятда автомобилни йўлнинг чап томонига буриб юбориш имконияти бор эди деб ҳайдовчининг ҳаракати охирги зарурат деб топилмайди;

4) хавф манбаи томонидан келтирилиши мумкин бўлган зарардан охирги зарурат туфайли келтирилган зарар камроқ бўлиши керак. Уларнинг аҳамияти ёки миқдорини солиштириш орқали зарарнинг кўп ёки камлиги аниқланади;

5) охирги зарурат чегарасидан четга чиқмаган бўлиш керак. Хавфнинг хусусияти ва хавфлилилик даражасига мувофиқ келмайдиган усул ва воситалар билан бартараф қилиш туфайли, хавф манбаи томонидан

келтирилиши мумкин бўлган зарар билан хавфни бартараф қилиш туфайли келтирилган зарарнинг тенг келиб қолиши ёки ортиб кетиши охирги зарурат чегарасидан четга чиқиш деб топилади.

Қуйидаги ҳолларда охирги зарурат чегарасидан четга чиққан деб топилади:

а) хавф манбаи томонидан келтирилиши мумкин бўлган зарардан охирги зарурат туфайли келтирилган зарарнинг тенг ёки кўпроқ бўлиб қолиши;

б) кўрилган чора, хавфни бартараф қилишнинг ягона ва охирги чораси бўлмай, бошқа чоралар билан хавфнинг олдини олиш мумкин бўлганлиги.

Шахсни охирги зарурат чегарасидан четга чиқишдаги айбини ҳисобга олишда, жуда қисқа вақтда ва жуда тез юз берган вазият ҳисобга олинади. Айниқса, транспорт ҳаракати билан боғлиқ бўлган вазиятларда ҳайдовчининг тўғри қарор қабул қилиши жуда қийин бўлади.

Шунга кўра, охирги зарурат ҳолатида содир этилган қилмишнинг қонунийлигини баҳолашда олди олинishi лозим бўлган хавфнинг хусусияти ва хавфлилик даражаси шундай хавфнинг ҳақиқатдан мавжудлиги, юз бериш вақти, охирги зарурат чорасини қўллаётган шахснинг имкониятлари, вужудга келган вазият ва шундай вазиятдаги руҳий ва ишнинг бошқа ҳолатлари ҳисобга олинади.

Агар шахс вужудга келган вазиятни тўғри баҳолаш имкониятига эга бўлмаса, эҳтиётсизлик оқибатида охирги зарурат чегарасидан четга чиққан ҳисобланади ва бундай ҳолда жиноий жавобгарлик вужудга келмайди.

Охирги зарурат ва зарурий мудофаа ижтимоий аҳамияти жиҳатидан бир-бирига ўхшасада, аммо бир-биридан фарқ қилади ва бу фарқлар қуйидагиларда ифодаланади:

а) зарурий мудофаада хавф манбаи инсонлар ҳаракати бўлса, охирги заруратда фақат инсон ҳаракатларининг ўзигина бўлмасдан табиий офат

кучлари, турли машина, механизмларнинг ҳаракати, ҳайвонларнинг ҳужуми ва ҳоказолар бўлиши мумкин;

б) зарурий мудофаада зарар фақат тажовузчининг ўзига етказилса, охирги заруратда хавфни келтириб чиқарган манбага эмас, балки учинчи шахснинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказилади;

в) зарурий мудофаада тажовузчи томонидан келтирилиши мумкин бўлган зарардан мудофааланувчи келтирган зарар кам, тенг ёки кўп бўлиши мумкин. Охирги заруратда эса, охирги зарурат туфайли келтирилган зарар хавф манбаи томонидан келтирилиши мумкин бўлган зарардан камроқ бўлиши керак;

г) зарурий мудофаада тажовузчига зарар етказилиши ёки етказилмаслиги ҳам мумкин. Охирги заруратда, албатта, учинчи шахсга зарар етказилади. Агар етказилмаса, охирги зарурат деб топилмайди.

3.2. Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асосларида тезкор фуқаролик-ҳуқуқий таъсир чораларининг ўрни ва аҳамияти

Тезкор таъсир чоралари деганда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш характериға эға юридик таъсир воситалари тушунилади. Аммо бундай ҳаракатлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда субъект томонидан фуқаролик ҳуқуқларини бузган шахсға нисбатан тегишли ваколатли давлат органларини жалб этмаган ҳолда амалға оширилади.

Қуйидаги мисолларни келтиришимиз мумкин: шартномани шарти бузилганда, уни бажаришдан бир томонлама воз кечиш ёки шартнома бўйича тўлов амалға оширилмагунча юк ташувчи томонидан юкни бермаслик ва ҳоказо.

Юқорида кўриб чиқилган таъсир чоралари ўз-ўзини ҳимоя қилиш чораларига яқин бўлиб, икки ҳолатда ҳам шахс томонидан ваколатли давлат органларини жалб этмасдан амалға оширилади. Аммо, қўлланиш доираси бўйича тезкор таъсир чоралари ўзига хос юридик характерға эға

бўлади, ўзини-ўзи ҳимоя қилиш эса фактик ҳисобланиб, ноинсоф контрагентга нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўзгартиришни ифодалайди. Масалан, ижарага олувчи ижарага олинаётган объектдаги камчиликларни топиб, уларни бартараф этишни ижарага берувчидан талаб қилиши ёки ўзи бартараф этиб, зарарни ижарага берувчидан талаб қилиб олиши мумкин. Бу ҳолатда ижарага олувчида иккала ҳаракатни амалга ошириш имкони мавжуд.

Таъкидлаш лозимки, юқоридаги таъсир чоралари ҳуқуқни муҳофаза этувчи характерга эга. Айтиб ўтиш керакки, улар манфаатдор шахс томонидан иккинчи тараф маълум бир ҳуқуқбузарликни содир этганда, масалан, шартномада белгиланган муддатда шартномани бажармайди ёки унга юклатилган вазифани бажаришдан бош тортади, тўловни кеч амалга оширади, ўзининг мажбуриятларини етарли даражада бажармайдиган ҳолатда қўлланилади.

Тезкор таъсир чораларининг ўзига хос жиҳати шундаки, у бир томонлама қўлланилади. Манфаатдор шахс бу ҳолатларда ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва бошқа давлат органларига мурожаат қилиши шарт эмас. Шу сабабдан, ушбу таъсир чоралари тезкор деган номга эгадир¹. Тезкор таъсир чораларининг бир томонлама қўллаш унинг тўғри қўллашнинг ўзига хос кафолатларини белгилайди. Ушбу кафолатлар икки томонлама характерга эга: биринчидан, тезкор таъсир чоралари ваколатли шахс томонидан ҳуқуқбузарга нисбатан фақат қонун ва тарафларнинг келишувида кўрсатилган ҳолатда қўлланилиши мумкин ва иккинчидан, уларнинг қўлланилиши мажбур бўлган шахснинг унинг қўлланилиши тўғрилиги устидан судга шикоят қилиш имкониятини истисно этмайди.

Тезкор таъсир чораларининг самарали томони шундаки, улар нафақат тезкор ва таъсирли ҳисобланади, балки уларнинг ваколатли шахс томонидан қўлланилиши мажбур бўлган шахсга нисбатан ноқулай

¹ Гражданское право: Учебник / Отв. ред. проф. Е.А.Суханов. - 3-е изд., перераб. и доп. -М., Волтерс Клувер, 2004. -С.43.

оқибатларни келтириб чиқаради. Бироқ, йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилганда ушбу салбий оқибатлар ўз кучини йўқотади ёки сезиларли тарзда камаяди. Шунинг учун, ушбу чораларнинг асосий функцияси – фуқаролик муомаласи иштирокчилари мажбуриятларининг зарурий бажарилишини таъминлаш ва рағбатлантиришдан иборат бўлади.

Тезкор таъсир чораларини қўйидаги турларга бўлиш мумкин:

1) қарздор ҳисобига мажбуриятларни бажариш бўйича тезкор таъсир чоралари. Ушбу чорага асосан қарздор ашёни тайёрлаш ва кредиторга мулк қилиб хўжалик юритишга ёки оператив бошқаришга топшириш ёхуд ашёни фойдаланиш учун кредиторга бериш ёхуд унинг учун муайян ишни бажариш ёки унга хизмат кўрсатиш мажбуриятини бажармаган тақдирда кредитор, агар қонун ҳужжатларидан, шартномадан ёки мажбуриятнинг моҳиятидан бошқача тартиб англашилмаса, учинчи шахсларга мажбуриятни оқилона муддатда оқилона баҳоларда ижро этишни топширишга ёинки уни ўз кучлари билан бажаришга ҳамда қарздордан қилинган зарур харажатларни ва бошқа зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли. Алоҳида мажбуриятлар турига оид нормаларда юқоридаги тезкор таъсир чораларининг мазмуни ва шартлари конкретлаштирилади;

2) мажбуриятларни муқобил суръатда бажаришга боғлиқ тезкор чоралар. Тарафлардан бири шартномага мувофиқ, бошқа тарафнинг ўз мажбуриятларини бажаришига боғлиқ қилиб қўйилган мажбуриятни бажариши муқобил бажариш ҳисобланади.

Бурчли тараф шартномада белгилаб қўйилган мажбуриятни бажармаган ёки мажбурият белгиланган муддатда бажарилмаслигини очиқ кўрсатиб турган вазият мавжуд бўлган тақдирда, муқобил ижрони ўз зиммасига олган тараф ўз мажбуриятини бажармай туришга ёки бу мажбуриятни бажаришдан бош тортишга ва қўрилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Агар шартномада кўрсатилган мажбурият тўла ҳажмда бажарилмаган бўлса, муқобил ижрони ўз зиммасига олган тараф ўз

мажбуриятини иккинчи тарафнинг тўла ҳажмда бажарилмаган мажбуриятига мос келадиган қисмини бажаришни тўхтатиб қўйишга ёки бажаришдан бош тортишга ҳақли;

3) маълум бир ҳаракатларни бажаришдан бош тортишга оид тезкор чоралар (инкор чоралари). Уларга қуйидагилар киради:

- а) шартномадан воз кечиш;
- б) шартноманинг ижросини қабул қилишдан воз кечиш;
- в) мажбуриятларни муқобил суръатда бажаришдан воз кечиш.

Хусусан, ФКнинг 336-моддасига асосан агар икки тарафлама шартномада бир тараф ўзи жавобгар бўлган вазият туфайли уни бажариши мумкин бўлмай қолса, иккинчи тараф, башарти қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартномадан воз кечишга ва шартноманинг бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарни ундириб олишга ҳақли. Бир тараф шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бош тортиб, қонун ёхуд тарафларнинг келишувида бунга йўл қўйилса, шартнома тегишлича бекор қилинган ёки ўзгартирилган ҳисобланади (ФК, 382-моддасининг 4-қисми).

3.3. Низоларни судгача ҳал этиш – фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг ноюрисдикциявий асоси сифатида

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 6-моддасига асосан, агар қонунда айрим тоифадаги низолар учун уларни судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби белгиланган ёхуд бу тартиб шартномада назарда тутилган бўлса, тарафлар ўзаро муносабатларини ихтиёрий равишда ҳал қилиш чораларини кўрганларидан сўнггина хўжалик судида иш қўзғатиш мумкин. Бунда прокурор, давлат органлари ва бошқа органларнинг аризалари бўйича иш қўзғатиш тарафлар юқоридаги чораларни кўрган-кўрмаганликларидан қатъи назар амалга оширилади.

Низоларни мажбурий судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби бир қанча қонун ҳужжатларида белгиланган.

Таъкидлаш лозимки, низоларни судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби даъвогар учун фақат қонунларда ёки шартномада белгиланган ҳолатларда мажбурий ҳисобланади. Агар бу тартиб низом, қоида ёки бошқа қонуности ҳужжатлари билан назарда тутилган бўлса, унинг бажарилиши томонлар учун мажбурий эмасдир. Муҳими шуки, агар низоларни судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби шартномада назарда тутилган бўлса, бундай ёзув шартноманинг бандида ўз аксини топиши керак.

Даъвогар судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаган бўлса, башарти бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки тарафлар шартномасида назарда тутилган ва бундай тартибни қўллаш имконияти йўқотилган бўлса, хўжалик суди иш юритишни тугатади (ХПК, 86-модда).

Даъвогар низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаган, бу эса шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса, суд даъвони кўрмасдан қолдиради (ХПК, 88-модда).

Даъвогар томонидан судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этганлигининг исботи талабноманинг нусхаси ва уни жавобгарга юборилганлишини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. ХПКнинг 112-моддасига асосан, даъвогар ушбу ҳолатни даъво аризасида кўрсатиши лозим ёки даъво аризасининг иловасида келтиради.

Агар иш ишда иштирок этувчи шахс томонидан шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибини бузиш (талабномани жавобсиз қолдириш, талаб қилинган ҳужжатларни жўнатмаслик) оқибатида келиб

чиққан бўлса, хўжалик суди ишнинг натижасидан қатъи назар, суд харажатларини шу шахсга юклашга ҳақли¹.

Даъвогар томонидан судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилмаганлиги даъвони қайтаришга ҳам асос бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида белгиланганидек, давлат истеъмолчиларнинг товар (иш, хизмат) сотиб олиши ва ундан фойдаланиш чоғидаги ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимоя қилинишини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, судлар таъминлайдилар. Яъни, ушбу қонун келиб чиққан низони суд ва судгача бўлган даврда ҳал қилиш тартибини ўз ичига олади.

Судгача бўлган тартиб шундан иборатки, истеъмолчи ўзининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги талабни даъво билан судга мурожаат қилмасдан сотувчидан (ишлаб чиқарувчи, бажарувчи) бевосита талаб қилиши мумкин.

Шундай қилиб, истеъмолчида танлаш ҳуқуқи мавжуд. Истеъмолчи ўз хоҳишига кўра:

1) ўз бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сотувчидан (ишлаб чиқарувчи, бажарувчи) бевосита талаб қилиши мумкин;

2) ёки сотувчидан (ишлаб чиқарувчи, бажарувчи) талаб қилмасдан, судга тўғридан тўғри даъво билан мурожаат қилиши мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг анъанавий усули судга даъво билан мурожаат қилиш ҳисобланади. Қонунда белгиланганидек, истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилган тақдирда, у судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Даъволар, агар қонунларда бошқача қоида белгиланмаган бўлса,

¹Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик-процессуал кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 234-модда.

жавобгар ёки истеъморчи жойлашган ердаги ёки зарар етказилган жойдаги судга такдим этилади.

Истеъморчилар ўз ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ даъволар бўйича, шунингдек, товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши уларнинг сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат органлари, истеъморчиларнинг жамоат бирлашмалари истеъморчининг (истеъморчилар номуайян доирасининг) манфаатларини кўзлаб кўзғатиладиган даъволар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинадилар.

Аммо айрим ҳолларда, қонун ва шартнома истеъморчидан судгача низони ҳал этиш тартибига риоя этишни талаб этади. Амалиёт шунини кўрсатадики, талабнома юбориш бўйича иш юритиш тезкор ва қўшимча чиқимларсиз (давлат божи учун, адвокат хизматини тўлаш, суд экспертизасини ўтказиш), бажарувчининг иш обрўсига путур етказмасдан низо ҳолатларини аниқлаш ва зарур ҳолларда истеъморчининг бузилган ҳуқуқларини қайта тиклаш учун чоралар кўришни имконини беради.

Истеъморчи сотувчига талаб билан мурожаат қилганда, агар кейинчалик сотувчи ихтиёрий равишда ўз мажбуриятини тўлиқ ёки қисман бажаришдаги воз кечса судга даъво билан мурожаат қилиш имкониятини йўқотмайди. Аммо сотувчини салбий оқибатлар кутади. Бунда у истеъморчига етказилган зарарни қоплайди.

Истеъморчининг ҳуқуқлари бузилиши туфайли унга етказилган маънавий зарар учун уни етказган шахс, башарти у айбдор бўлса, тўлаши лозим. Маънавий зарар учун тўланадиган ҳақ миқдорини суд белгилайди.

Маънавий зарар учун ҳақ тўлаш мулкӣ зиён ва истеъморчи кўрган зарарнинг ўрни қопланишидан қатъи назар, амалга оширилади¹.

Шундай қилиб айрим турдаги хизмат ва савдо қоидаларига кўра, судья даъвогар томонидан судгача низони ҳал этиш тартибига риоя этилмаганда даъво аризасини қабул қилмаслиги керак.

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Истеъморчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 5-6-сон, 59-модда.

Талабнома – бу сотувчи, ишлаб чиқарувчи ва бажарувчига нисбатан барча талабларнинг моддий ифодасидир. Даъво эркин шаклда ёзилиб, мазмунан аниқ бўлиши лозим. Агар қонун билан талабнома усулининг мажбурий усули назарда тутилган бўлса, шахс ушбу шаклга риоя этиши шарт.

Демак, талабнома ёзма шаклда бўлиб, шахса аризачи томонидан ёки вакил томонидан имзоланиши керак ва қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- 1) савдо корхонасининг тўлиқ номи ва унинг юридик манзили;
- 2) истеъмолчининг фамилияси, исми, шарифи ва уй манзили;
- 3) товарни сотиб олиш шароитлари, жойи ва вақти;
- 4) истеъмолчи сифатида қандай ҳуқуқлар бузилганлиги;
- 5) товар нуқсонларининг қисқа тавсифи;
- 6) истеъмолчининг талаблари (носозликни бартараф этиш, олди-сотди шартномасини бекор қилиш ва ш.к.);
- 7) талабномага илова сифатида ҳужжатлар ва бошқа исботловчи ҳолатлар;
- 8) шахснинг сотувчининг айби ҳақидаги фикри, айб мазмуни;
- 9) маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги талаб ва маънавий зарар миқдори;
- 10) низони ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар.

Талабномага талабни асослантирадиган ҳужжатлар илова қилиниши лозим (масалан, муайян товарни аниқ бир сотувчидан сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжат, кафолат талони ва ш.к.). Агар талабномага ҳужжатлар илова қилинадиган бўлса, улар асл нусхада ва тасдиқланган нусхада ҳам бўлиши мумкин. Ҳужжатдан кўчирма ҳам тақдим этилиши мумкин.

Талабноманинг бир нусхаси сотувчига берилади, бошқа нусхада сотувчи талабномани олганлиги тўғрисида ёзув киритади.

Талабномани сотувчига исталган усулда бериш мумкин: шахсан топшириш, почта орқали юбориш, телеграф ёки телетайп орқали, шунингдек бошқа алоқа воситалари орқали, агар ушбу воситалар талабнома юборилганлигини тасдиқласа. Ҳар қандай ҳолатда талабномани юбораётган шахс талабнома юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни ўзида сақлаб қолиши керак: хат юборилганлиги тўғрисида квитанция ёки хабарнома (кириш рақами ва сана, муҳр (штамп), мансабдор шахс имзоси) ва бошқалар.

Талабномани олган ташкилот ёки хусусий тадбиркор аризачига талабномани кўриб чиқиш натижаларини эълон қилиши керак. Агар бундай мажбурият сотувчига қонун билан юклатилган бўлмаса, жавоб бериш мажбурий эмас.

Талабнома қаноатлантирилганда ёки тўлиқ ва қисман тан олинмаганда, бу ҳақда аризачи хабардор қилиниши керак, қаноатлантирилганлик ёки тан олинмаганлик сабаблари кўрсатилиши лозим.

Сотувчининг жавобидан талабнома юборган шахс қоникмаса, у судга мурожаат қилиши мумкин. Ушбу ҳолатлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни, фуқаролик ҳуқуқларини судгача ҳал этиш тартибининг ўзига хос жиҳатлари ҳисобланади. Айнан мана шу жиҳатлар фуқаролик ҳуқуқларини судгача ҳимоя қилишнинг аҳамияти ва ўрнини белгилаб берувчи омиллардир.

Шунингдек, сўнгги вақтларда олимлар томонидан миллий цивилистикада фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг бошқа асосларини, жумладан медиация институтини жорий этиш ва унинг афзалликларидан фойдаланиш ҳақида бот-бот гапирилмоқда¹. Наздимизда, мазкур қарашлар асосли бўлиб, медиация институтини фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ноюрисдикциявий асоси сифатида алоҳида

¹ Ш.М.Масадиков. Сущность медиации и проблемы ее правового регулирования в Республике Узбекистан. Автореф.дисс...канд.рид.наук. –Ташкент: 2008. 20-с.

мустақил фуқаролик-ҳуқуқий институт сифатида Фуқаролик кодексига киритиш зарур. Бу ўз навбатида келгусида фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқи бузилган шахсга бирмунча афзаллик ва имтиёзлар беради ва низоларнинг тез, қулай ва кам вақт ичида кўриб чиқилишига хизмат қилади.

ХУЛОСА

Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асослари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 11-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган.

Фуқаролар ва юридик шахслар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ушбу шартларга риоя этмасалар, суд уларга тегишли ҳуқуқни ҳимоя қилишни рад этиши мумкин. Субъектив фуқаролик ҳуқуқини амалга ошириш зиммасида мажбурият бўлган шахсни муаян хатти-ҳаракатни қилишга мажбур қилиш йўли билан кафолатланади, агар зиммасида бурч бўлган шахс бурчини ихтиёрий равишда бажармаса.

Ўз тадқиқотимиз якунида биз қуйидаги хулосаларга келмоқдамиз:

Кўриб чиқилган мавзу жамиятимиз учун жуда ҳам долзарб ҳисобланади. Чунки, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва муҳофаза этиш институти Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ва иқтисодий тараққиётнинг кафолати саналади. Ўз фуқароларига субъектив ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш институтини ташкил этган ҳуқуқий давлат жамиятнинг мақбул ривожланиш қобиғини шакллантиради.

Фуқаролик муомаласи иштирокчиларида ўзини қандай тутиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга оид тасаввурлар ҳам муҳим ҳисобланади. Шу сабабли, ушбу ҳаракатларни маълум шаклга солиш ваколатли шахс учун муҳим саналади. Айнан фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули ўз ичига фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ички мувофиқлаштирилган ташкилий чоралари мажмуасини қамраб олади. Ушбу мажмуа эса, хусусий-ҳуқуқий манфаатларни ҳимоя қилишнинг процессуал ва процедуравий тартибларидан иборат.

Тадқиқот предметини аниқламасдан, уни таҳлил этишга киришиш мушкулдир. Бу мақсадда ҳимоя қилиш шакллариининг тушунчаси ва асосий таърифлари кўриб чиқилди, ушбу тушунчанинг адабиётларда

кўлланиладиган бошқа ўхшаш категориялардан – “ҳимоя воситаси”, “ҳимоя тартиби” ва “ҳимоя асоси” каби тушунчалардан фарқи ўрганилди. Юқоридаги тушунчалар қаторида бизда қизиқиш уйғотган “ҳимоя асоси” тушунчасини таҳлил этиш унинг ўзига хос жиҳатларини акс эттириш имконини берди. Ушбу тушунча юриспруденция соҳасидаги турли фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларни ҳимоя қилиш институтини ёритиб беришга хизмат қилади.

Ҳимоя қилиш асоси тушунчаси ва таърифини тўлиқ ўрганиб, замонавий цивилистикада мавжуд бўлган асосий шакллари таҳлил қилинди. Таҳлил шуни кўрсатдики, фан назариясида турли ёндашувлар мавжуддир. Ҳимоя асосларининг анъанавий юрисдикцион ва ноюрисдикцион турларига бўлинишини инобатга олиб, ҳимоя қилиш институтларининг айрим турлари кўриб чиқилди: фуқаролик ҳуқуқларининг суд тартибида ҳимоя қилиш; ҳимоя қилишнинг маъмурий тартиби; ҳакамлик муҳокамаси орқали ҳимоя қилиш; ўз ичига ваколатли шахс томонидан турли чораларни оловчи ўзини-ўзи ҳимоя қилиш усули. Ушбу тадқиқотда фуқаролик-ҳуқуқий муомалада тез суръатда ривожланиб бораётган талабнома юбориш тартиби ҳам кўриб чиқилган.

Тадқиқот натижасида амалдаги фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги таклифлар берилди:

1) Фуқаролик кодекси 20-моддасининг 2-қисми қуйидаги таҳрирда баён этилиши таклиф қилинади:

Исм ёки шахсий шаън эгаси бўлмаган, лекин оилавий мавқеига кўра бундан манфаатдор бўлган шахс ҳам ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳаракатларга чек қўйиш ёки раддия бериш ҳақидаги талабларни қўйиши мумкин. Бу шахс бошқа шахснинг ўлиmidан кейин ҳам унинг исмини ва шаънини ҳимоя қилишга қаратилган талабларнинг бажарилишига ҳаракат қилиши мумкин. *Исм ва шаънни бузиш туфайли келтирилган зарарни қоплаш ҳақидаги талаб шахснинг ўлиmidан кейин ҳам тақдим этилиши мумкин.*

2) Фуқаролик кодекси 10-моддасининг 2-қисми қуйидаги таҳрирда баён этилиши таклиф қилинади:

Фуқаролик ҳуқуқлари процессуал қонунлар ёки шартномада белгилаб қўйилганидек, ишлар қайси судга тааллуқли бўлишига қараб, суд, хўжалик суди ёки ҳакамлик суди (бундан кейин - суд) томонидан ҳимоя қилинади.

Қонунда назарда тутилган ҳоллардагина фуқаролик ҳуқуқлари маъмурий ва медиация тартибда ҳимоя қилинади. Маъмурий ва медиация тартибда қабул қилинган қарорлар устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Ушбу мавзунини ўрганиш давомида фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва муҳофаза этиш тартиби, судга мурожаат қилиш ҳақидаги конституциявий ҳуқуқ тўғрисидаги тасаввур кенгаймоқда. Қонунчиликда кўплаб диспозитив нормалар мавжуд бўлиб, улар фуқаролик ҳуқуқи субъектлари учун ўзлари истаган ҳимоя қилиш маълум бир усулини танлаш имконини беради. Фан ва амалиёт томонидан ишлаб чиқиляётган фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асослари ушбу мавзунини келажакда янада чуқурроқ ўрганишни тақозо этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Рахбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма мажлисидаги маъруза, 2007 йил 30 август. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. 13-б.
2. Каримов И.А. Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш – олий саодатдир // Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси IV қурултойидаги маъруза, 2007 йил 6 ноябрь. –Тошкент: Ўзбекистон, 2007. 33-б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2015.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. –Тошкент: Адолат, 2015.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. – Тошкент: Адолат, 2015 (2015 йил 20 августгача (ЎРҚ-391) бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан).
4. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси. –Тошкент: Адолат, 2015 (2015 йил 29 декабргача (ЎРҚ-396) бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан).
5. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуни (2014 йил 20 январгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 5-6-сон, 59-модда.

6. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 14 декабрдаги Судлар тўғрисидаги (янги таҳрири) қонуни (2014 йил 20 январгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 10-модда.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги 1995 йил 30 августдаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 9-сон, 183-модда.
8. Ўзбекистон Республикаси “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги 2006 йил 16 октябрдаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 42-сон, 416-модда; 2014 йил, 20-сон, 222-модда.

III. Олий суд, Олий хўжалик суди Пленумининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Фуқаролик кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги 16-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 7-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2015 йил 17 ноябрдаги “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 124-сон буйруғи.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2015 йил 19 июндаги “Хўжалик судлари томонидан фуқаролик қонун

хужжатларининг даъво муддатига оид нормаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 282-сон қарори.

IV. Илмий адабиётлар:

1. Ҳ.Раҳмонқулов. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. 1-жилд. –Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997. 302-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. 2-жилд. Иккинчи китоб / Ҳ.А.Раҳмонқуловнинг умумий таҳрири остида; масъул муҳаррир И.Анортоев. –Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998. 602-б.
3. Ҳ.Раҳмонқулов. Фуқаролик ҳуқуқининг предмети, методи ва тамойиллари. –Тошкент: ТДЮИ. 2003. 32-б.
4. Э.Эгамбердиев. Фуқаролик жараёни ҳуқуқида даъво муаммолари. Юрид.фан.докт.дисс...автореф. –Тошкент, 2007. 15-б.
5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. Муаллифлар жамоаси. 1-жилд (биринчи қисм). Адлия вазирлиги. –Тошкент: Vektor-Press, 2010. 373-б.
6. И.Б.Зокиров. Фуқаролик ҳуқуқи. –Тошкент: ТДЮИ, 2009.
7. О.Окюлов. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. –Тошкент: ТДЮИ, 2004.
8. Ш.М.Масадиқов. Сущность медиации и проблемы ее правового регулирования в Республике Узбекистан. Автореф.дисс...канд.юрид.наук. –Ташкент: 2008. 20-с.
9. Бобоев Ж.И. Право потребителей и их защита по законодательству Республики Узбекистан // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 2003. –№3. –Б.20-29.
10. Ф.С.Иноятова. Процессуальные механизмы обеспечения законности и обоснованности решения третейского суда. Автореф.дисс...канд.юрид.наук. –Ташкент. 19-с.
11. Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар

- /Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Тошкент: Адолат, 2002. 61-б.
12. Алексеев С.С. Право: азбука-теория-философия: Опыт комплексного исследования. –М., 1999. 135-с.
 13. Арефьев Г.П. Понятие защиты субъективного права// Процессуальные средства реализации конституционного права на судебную защиту. – Калининград: 1982. –С.15-18.
 14. Баришпольская Т.Ю. Гражданский процесс и процедура (понятие, служебная роль, проблемы теории и практики): Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. –Томск, 1988. 83-с.
 15. Богданова Е.Е. Формы и способы защиты гражданских прав и интересов // Журнал российского права. –М., Норма, 2003. –№6. 77-с.
 16. Бутнев В.В. К понятию механизма защиты субъективных прав // Субъективное право: проблемы осуществления и защиты. – Владивосток: 1989. 122-с.
 17. Васин Ю.Г., Диденко А.Г. Защита субъективных гражданских прав // Юридические науки. Вып.1. –Алма-Ата: 1971. –С.3-10.
 18. Вершинин А.П. Способы защиты гражданских прав в суде: Дисс... докт. юрид. наук. –СПб., 1998. –С.12-14.
 19. Виноградова Е.А. Правовые основы организации и деятельности третейского суда. –М., 1996. 96-с.
 20. Витрянский В.В. Судебная защита гражданских прав: Автореф. дисс. ...докт. юрид. наук. –М., 1996. 324-с.
 21. Воложанин В.П. Несудебные формы разрешения гражданско-правовых споров. –Свердловск: 1974.
 22. Воложанин В.П. Основные проблемы защиты гражданских прав в несудебном порядке: Автореф. дисс. ...докт. юрид. наук. –Свердловск: 1975.
 23. Гражданский процесс: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп./Под ред. М.К.Треушникова. –М., ОАО «Издательский Дом Городец», 2007. 584-с.

24. Гражданское право. Учебное пособие / Свердлов Г.А. –М., Лекс-Книга, 2002.
25. Гражданское право: Учебник / Отв. ред. проф. Е.А.Суханов. 3-е изд., перераб. и доп. –М., Волтерс Клувер, 2004.
26. Грибанов В.П. Советское гражданское право: Учебник. Т.1. –М., 1979. – С.236-242.
27. Защита и самозащита гражданских прав: Учебное пособие / Свердлов Г.А. –М., Лекс-Книга, 2002.
28. Иоффе О. С. Советское гражданское право: Учебник. –М., 1967.
29. Кораблева М.С. Защита гражданских прав: новые аспекты//Актуальные проблемы гражданского права: Сборник статей. –М., 1999. -Вып. 1.
30. Курылев С.В. Формы защиты и принудительного осуществления субъективных прав и право на иск // Труды Иркутского государственного университета. Сер. Юрид. Т. XXII. Вып.3. –Иркутск: 1957.
31. Мейер Д.И. Русское гражданское право (в 2 ч.). По испр. и доп. 8-му изд., 1902. –М., 2002. 298-с.
32. Ожегов С.И. Словарь русского языка/ Под ред. Н.Ю.Шведовой. –М., 1986. 562-с.
33. Осипов Ю.К. Подведомственность юридических дел. –Свердловск: 1973. –С.82-89.
34. Свердлов Г.А., Страунинг Э.Л. Защита и самозащита гражданских прав: Учеб. пособие. –М., 2002. 123-с.
35. Сергеев А.П. Гражданское право. Т.1. Учебник / Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. –М., 2002. 56-с.
36. Слюсаренко М. Понятие защиты гражданских прав в суде // Юрист. 2001. –№8. –С.26-29.
37. Судебная защита прав и свобод граждан: Научно-практическое пособие. –М., Норма, 1999. 227-с.

38. Шакарян М.С. Соотношение судебной формы с иными формами защиты субъективных прав граждан // Актуальные проблемы защиты субъективных прав граждан и организаций: Сб. науч. трудов. –М., 1985. 128-с.

IV. Веб-ресурсы:

1. <http://www.lex.uz>
2. <http://www.legislature.ru>
3. <http://www.law.uk.edu>
4. <http://www.flexa.ru>
5. <http://www.law.harvard.edu>
6. <http://www.juristlib.ru>